Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Обуначига 3 сўм. Сотувда — 5 сўм.

1992 йил 4 декабрь, жума № 238-239 (21.337).

УЛКАН ИЛТИФОТ РАМЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!

Ушбу мактубни мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байрами муносабати билан юборган табрикномангиз учун ташаккур айтиш ниятида ёзмоқдаман.


Тожикистондаги аҳволни ўрганиш мақсадида БМТ вакилларини юбориш тўғрисидаги қарорим-га муносиб баҳо берганингиздан мамнунман.

Аминманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида туб бурилиш чоғи тобора яқинлашмоқда. Айни вақтда мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янги бошқарувини тузиш қийинчиликсиз, осонликча кечади, демоқчи эмасман. Аксинча, вазиятни теран таҳлил этиб, янги мустақил давлатларда юз бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигига ишонаман. Бошқа жойлардагига нисбатан Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бинобарин, барча давлатларнинг БМТ низомини адо этишга муносабатини умидворлик нишонаси дейиш мумкин.

БМТнинг ўзи учун эса бу кундалик вазифа узлуксиз талабларни илгари сураётгани туфайли бутун инсониятга хизмат қилиш мезонидир. Айни замонда, ташкилотларимизнинг янги муносабатларга муҳтожлиги кечиктириб бўлмайдиган масала бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам мактубингизни ўзимга нисбатан катта илтифот деб биламан. Жаноб Президент, сизга ишончим чексиздир. Шу туйғуларимни қабул қилгайсиз.

Бутрос ҒОЛИЙ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби.



ҚИШ — ИМТИҲОН МАВСУМИ!



Самарқанд вилоятн, Тайлоқ районидаги консерва заводи бир неча йилдирки, аҳоли учун зарур маҳсулотлар тайёрлаб чиқаряпти. Яқинда бу ерда тунука идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Янги цехда кунига 8 минг донагача 5 килограмм ҳажмли идишлар ҳамда 12 минг: тагача қопқоқ ишлаб чиқарилаётир.

Суратларда: 1. Илғор ишчи Амин Ҳамроқулов автомат линияни моҳирлик билан бошқармоқда; 2. Ишчи Зиёда Зиёева янги касб сир-асрорларини тезда ўрганиб олди.

Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

● САМАРҚАНД

Самарқандда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмоновнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди.

Музокарада сўзга чиққанлар ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлиб қоладиган, бу ҳужжат ривожланган ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим қадам эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

● ЖИЗЗАХ

Жиззахда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маърузачи — вилоят ҳокими Э. Турсунов ва сўзга чиққанлар бу муҳим ҳужжат умумхалқ ҳукмига ҳавола этилганидан буён вилоятда барча меҳнат жамоаларида катта қизиқиш билан муҳокама этилганини қайд этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари таклиф этилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда лойиҳани маъқуладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

● ТОШКЕНТ

Кеча пойтахт вилояти фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев шу тўғрида маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлиб қоладиган бу муҳим ҳужжатни асосан маъқуллаб, унинг айрим қоидаларига тузатиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

ОЛИЙ КЕНГАШ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари қўмитасининг мажлиси бўлди.

Мажлисда «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги, «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати ҳақида»ги «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси ва жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаш тўғрисида»ги, «Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, айрим вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари таркибидаги ўзгаришлар ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қўмита аъзолари шу масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

(ЎзА).

● Мухбиримиз бонг уради

ЧОРВАДОРЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Чорвачилик Навоий вилоятида кони зарар тармоққа айланмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам яққол кўриш мумкин. Амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда йиллик гўшт ишлаб чиқариш режаси 64 фоиз, сут ва тухум ишлаб чиқариш режаси 60—70 фоизга бажарилди, холос. Аҳолига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2700 тонна гўшт, 2500 тонна сут, 32535 дона тухум кам сотилди.

Энг ачинарлиси, чорва моллари чиқимига йўл қўйилаётганидир. Масалан, кейинги ўн ой мобайнида 400 га яқин қорамол ҳаром ўлди ёки 907 боши у ёки бу сабабга кўра мажбуран сўйилди. Натижада сигирлардан бузоқ олиш ҳам булутургига нисбатан 1100 бош камайиб кетди. Нега бундай бўлаётир, аянчли аҳволнинг айбдорлари ким? Наҳотки сут-қатиқ, гўшт, тухум дастурхонларимизда тортилиб қолган бир даврда мол чиқимига йўл қўйсак?

Мол чиқимига йўл қўйишда Хатирчи районн чорвадорлари «байроқдор». Мазкур районда амалдаги йилнинг ўтган 10,5 ойида 266 бош қорамол, 606 бош эчки-қўй ҳаром ўлган, 612 бош сигир мажбуран сўйилган. Бу сингари хўжасизлик билан район раҳбарлари, жумладан, деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Ҳамидулла Файзиев, чорвачилик бўйича раис муовини Тошпўлат Қўчқоров нега муроса қилишмоқда? Ахир, бу аҳволда қандай қилиб районда гўшт ва сут ишлаб чиқариш кўпайсин?!

Молларнинг ҳаром ўлаётгани ва маҳсулдор сигирлар бош сонининг муттасил камайиб бораётганлиги сабабли районда булутургига нисбатан 360 тонна гўшт, 1026 тонна сут, 95 минг дона тухум кам ишлаб чиқарилди. Айниқса, райондаги «Зарафшон» давлат хўжалигида чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш йил сайин камайиб кетмоқда. Бу хўжаликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 300 тонна сут, 30 тонна гўшт камайган. Сабаби эса битта. У ҳам бўлса юқорида қайд этганимиздек, чорва чиқимига йўл қўйилаётганидир. Масалан, шу йилнинг ўзидаёқ хўжаликда юздан ортиқ мол ҳаром ўлган ёки касаллиги туфайли сўйиб юборилган.

Раҳбарлар асосий айбни ветеринар врачларга тўнкашяпти. Нима эмиш: улар говмишларни нотўғри эмлашган эмиш. Натижада моллар бола ташлаб, нобуд бўлганмиш. Бу ҳам ўз ўрнида тўғридир. Лекин, хўжаликда моллар учун етарли ем-емиш йўқлиги, иссиқ молхоналар етишмаслиги раҳбарлар эътиборидан четда қолган. Ўтган қишловда ҳам «Зарафшон»ликлар озуқа тақчиллигидан ниҳоятда қийналишди. Бироқ бу йилги ем-хашак ҳам булутургисидан кам бўлса камки, аммо кўп эмас. Ана шу камчиликлар бонси яқинда хўжалик раҳбарлари алмаштирилди. Қани, кўрайлиқчи, улар қандай ўзгариш ясашаркан?

Райондаги Эшмурод Абдиев номли жамоа хўжалигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Хўжаликда амалдаги йилда етмишга яқин қорамол ҳаром ўлган. 83 таси эса мажбуран сўйиб юборилган. Хўш, бу ерда ҳам сигирлар нотўғри эмланганми? Йўқ, ҳамма гап қорамолларга қаровнинг тайини йўқлигида. Ўтган йили хўжаликда жамғарилган емхашак февралдаёқ тугади. То ердан гиёҳ кўкариб, майойи бўлгунча қорамоллар деярли «рўза тутишди». Аҳвол шундай бўлгач, натижаси нима бўларди.

Бу йилги қишловга ҳам пухта тайёргарлик кўрилмади. Хўжаликнинг ҳар икки фермасида 1600 тонна ўрнига 1263 тонна озуқа бор, холос. Бу — ҳар бир шартли молга 12,8 озуқа бирлиги тўғри келади, демакдир. Аслида эса 17—18 озуқа бирлиги керак. Демак, бу қишловда ҳам чорва маҳсулотларининг камайиши, мол чиқимига йўл қўйилиши аниқ. Чунки қозонда бори чўмичга чиқади-да!

Навоий вилоятида, жумладан, Хатирчи районида чорвачиликнинг бугунги аҳволи ана шундай. Зарур чоралар кўрилиб, ўзгариш бўлмас экан, қолган моллар ҳам яқин орада... Шундай экан, йўл қўйилаётган жиддий камчиликларнинг айбдорлари аниқланмоғи, улар ўзларига тегишли «баҳо»сини олмоғи даркор. Акс ҳолда ҳаром ўлган сигир, тўлдирилган актлар кўпаяверади. Умуман моллар додини ким эшитади, шундай одам борми?

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 444-ЧЕКШЎРА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

«Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21 ва 54-моддаларига мувофиқ Фарғона вилояти 444-Чекшўра сайлов округи бўйича ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сайлови 1993 йил 10 январь, якшанба кунига тайинлансин.

Марказий сайлов комиссияси раиси
Қ. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссияси котиби
М. МАМАТАЗИЗОВ.

1992 йил 3 декабрь.

Ўзбекистон—иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси

● Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон шу минтақа ташкилотига расмий равишда аъзо бўлди. Бу хусусдаги ҳужжатни республика номидан делегация бошлиғи, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов имзолади.

Ўзбекистон билан биргаликда Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон ҳам шу ташкилотга аъзо бўлди. Тожикистон ўз вакилини юбора олмади, бироқ унинг ташкилотга аъзо бўлиши масаласи ҳал этилган.

Аввало Покистон, Эрон ва Туркия томонидан асос солинган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Осиё давлатларининг ўзига хос умумий бозорини вужудга келтириш ниятидадир.

Улкан инсоний ва моддий ресурслар, уларнинг тарихий, маданий, диний илдизларининг муштараклиги 300 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақани янада ривожлантиришга кўп даражада ёрдам беради.

Аввало, саноат ва савдо соҳасида ҳамкорлик, конверсия, минтақалараро сайрсаёҳатни ривожлантириш, самарали алоқа тизимини — автомобиль йўллари ва темир йўллар, ҳаво йўллари, йўлдош алоқаси ва ўзга алоқани вужудга келтириш ИҲТнинг асосий вазифаларидандир.

Сармоя ва тараққиёт банкини, кемачилик компаниясини, ИҲТнинг илмий жамғармаси ва ёшлар жамғармасини барпо этиш, маданий ҳамкорликни, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Янги аъзоларни қабул қилишга бағишланган тантанали маросимда таъкидланганидек, ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг XXI асрга илғор, қудратли ва юксалган давлат сифатида қадам қўйишини таъминлаш Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бош вазифасидир. ИҲТ жаҳоншумул иқтисодий ҳамкорлик жараёнига қўшилишга, бошқа минтақалардаги иқтисодий ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйишга тайёрдир.

Ўзбекистоннинг ташкилотда иштироки тўғрисида гапириладиган бўлса, бу ҳамкорлик биринчи навбатда замонавий автомобиль йўлларини барпо этишга, шунингдек, республиканинг минтақадаги муҳим бандаргоҳлар ва саноат марказларига энг мақбул тарзда чиқишини таъминлашга, юкларни мамлакатлар орқали самарали ташишни йўлга қўйишга имкон берадиган бошқа йўлларни қуриш соҳасида аниқ тусга қира бошлади. Ўзбекистон расмий делегациясининг аъзоси, автомобиль йўллари вазири **Р. Юнусов** айтганидек, ҳозирнинг ўзидаёқ эришилган аҳдномалари рўёбга чиқариш республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини анча кучайтиришга имкон беради.

Исломободдаги учрашув қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистон ва бошқа янги давлатларнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши минтақанинг жуда кўп муаммоларини ҳал қилишда катта ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши республиканинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида унинг мавқеи тобора ортиб бораётганини эътироф этиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Шу кунларда Покистонда ИҲТ ҳафталиги доирасида ҳамкорлик ва тараққиётга бағишланган минтақавий халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон анжуманга мустақил дастурни тақдим этди, унга олимлар ва маданият арбоблари гуруҳини, шунингдек, рақс дастасини, фотосуратлар кўргазмасини, бадиий ва ҳужжатли фильмларни юборди.

(ЎзА).

ХИВА ГИЛАМЛАРИГА ХОРИЖДАН БУЮРТМАЛАР

● Тўғрисини айтганда, бундан тўрт-беш йил олдин ҳам Хива гиламчилик комбинати маҳсулотларини харидорлар писанд қилишмас, шу боисдан чиқарилган гилам ва гилам маҳсулотлари дўконлар пештахталарию омборхоналарида чанг босиб ётар эди.

Эндиликда ёқутранг гилам ва пойандозларга талаб кескин ўзгарди. Хива гилами ҳам харидорлар ўртасида талаш.

Кейинги пайтда корхона маҳсулотларига кўпгина хорижий мамлакатлардан ҳам катта ҳажмда буюртмалар тушаётгани комбинатнинг иккинчи навбати қурилишини жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўзида корхонанинг иккинчи навбати қурилишида қарийб юз миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Бозор иқтисодиёти бизни ҳам қийнаб қўяётганига қарамай, бартер усулида иш юритиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришяпмиз, — дейди бош директор Илҳом Аҳмедов. — Натижада рентабеллик 40 фоизни ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида 1991 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 220 минг квадрат метрдан зиёд, яъни бир миллион 725 минг квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаб, сотувга чиқардик.

Комбинат фаолият кўрсатаётганига ўн йилдан ошиб кетганига қарамай ўз маҳсулотини яқинда биринчи марта хорижий мамлакатга экспорт қилди: Ливанга икки минг бир юз квадрат метр гилам жўнатилди. Франциядан 40 минг квадрат метр гилам маҳсулотига буюртма олинди. Германиянинг «Текспроект» компанияси билан 50 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари жўнатиш бўйича шартнома имзоланди.

Айни пайтда бу ерда гилам тўқувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 4900—5000 сўмдан, мастер ёрдамчиларининг иш ҳақи эса 5800 сўмдан тўғри келаяпти. Илғорлар эса бундан ҳам кўп — ишлаб чиқаришда эришган юқори кўрсаткичларига яраша маош олишяпти. Масалан, сентябрь ойида тўқувчилардан Рўза Эломонова билан Санда Машариповаиинг ҳар бири 9600-10 минг сўмдан иш ҳақи олишди. Мастер ёрдамчиси Тоҳир Абдуллаевнинг меҳнат ҳақи эса 17 минг сўмни ташкил этди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми олдидан

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ КОТИБИ МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Муқимжон ака, Марказий Кенгаш иккинчи котиби бўлиб ишлаётганингизга ҳам беш ой бўлиб қолди. Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида партия тўғрисидаги тасаввурлар ҳам анча ўзгарди. Сизнингча, шу бугунги янгича шароитларда партиянинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим?

— Мустақил Ўзбекистон Республикаси келажакда жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олишга ҳаракат қилар экан, республикамиз сиёсий тизимини такомиллаштиришда дунёдаги энг илғор, ҳар жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаларига таяниш лозим, деб ҳисоблайман.

Жаҳондаги барча юксак даражада ривожланган давлатларнинг ўз ҳокимиятларини амалга оширишининг энг асосий бўғинларидан бири — бу сиёсий партиялардир. Мазкур давлатларда асосий ҳокимият органлари сайловлар орқали шаклланади. Партиялар сайловлар пайтида давлат билан халқни боғловчи кучли восита сифатида сиёсий майдонга чиқадилар. Сайловда ғалабага эришган партия сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб, давлат органларини шакллантиришда, давлатнинг сиёсий ривожланишини белгилашда бевосита иштирок этади. Умуман, сиёсий партияларнинг мавжудлиги ҳар қандай демократик жамиятнинг яшаши учун муҳим зарурат-дир.

— Маълумки, ҳозирги кунда мафкуранинг кераги йўқ, дегувчилар ҳам бор. Сиз шу ҳақда нима дейсиз?

— Кишиларда сиёсий онгнинг шаклланишида, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, халқнинг кўпчилик қисмини жамиятнинг олий мақсадларини бажариш учун сафарбар қилишда мафкуранинг аҳамияти беқиёсдир. Энг олийжаноб мақсадларни кўзлайдиган адолатли жамиятга ўтиш учун ҳам мафкуравий тадбирлар амалга оширилмас экан, у бир хаёлий истак ёки орзу бўлиб қолаверади.

Ҳар бир «замонавий жамиятда халқ оммасига таъсир кўрсатиш дастлаб сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг мафкураси орқали амалга ошади. Ҳар бир партиянинг Дастури турлича мафкуравий қарашлардан иборат бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Лекин, халқ оммасининг хайрихоҳлигига эришиш учун мафкуранинг умуминсоний қадриятлар талаблари даражасида бўлиши катта аҳамиятга молиқдир.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ҳозирги кун талабларига қай даражада жавоб бера олади?

— Дастур қабул қилинганидан кейин бир йил ичида республикамиздаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Унда акс этган вазифаларнинг бир қисми ҳаётга тадбиқ этилди ҳам. Партиямиз фаолиятида янги типдаги партия сифатида муайян тажриба тўпланди. Жаҳондаги кўплаб сиёсий партиялар тажрибасини ўрганиш сиёсий саъй-ҳаракатлар олиб бориш тўғрисидаги тасаввурларимизни анча кенгайтирди. Шиддат билан ривожланаётган жамиятимизнинг ўзи кун тартибига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Жамиятимизда рўй берган ана шундай туб ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, партиямиз Раиси Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ўз ифодасини топган республикамизнинг истиқболдаги тараққиёт йўл-йўриқлари асосида партиямиз Дастурига ўзгартишлар киритишни ҳаёт тақозоси, деб ҳисоблайман.

— Жумҳуриятимизда келгусида чинакам адолатли жамият, ҳақиқий ҳуқуқий давлат барпо этиш учун айни шу кунларда нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Менинг фикримча, Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ав тараққиёт йўли» рисоласидаги йўл-йўриқлар, партиямиз Дастуридаги мақсадларни ҳаётга изчил тадбиқ этишимиз, бу йўлда энг илғор мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланишимиз лозим. Бу улуғ мақсадга халқимизни ҳам сафарбар қила олишимиз, жамиятимизда тинчлик, осойишталик, миллатлараро дўстликни таъминлай билишимиз керак бўлади.

Мана, яқин вақт ичида мустақил мамлакатимизнинг ўз Конституцияси қабул қилинади. Унда баён этилган қонун ва қоидаларга амал қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларига унинг таъсир ўтказиш йўлларини топа билишимиз ҳуқуқий давлат барпо этишнинг гаровидир.

— Конституция лойиҳаси, айниқса, ундаги «Жамоат бирлашмалари» бобини қандай баҳолайсиз?

— Ушбу боб республикамиздаги мавжуд сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ёзилган. Лекин, 61-моддадаги жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, ҳар фаолиятини таъқиқлаб ёки чеклаб қўйиш ҳуқуқини худди шу жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, судга эмас, балки Конституциявий судга бериш лозим, деб ҳисоблайман.

— Сизнингча, Конституция лойиҳасининг 90-моддаси республикамиз тарихий ривожланишининг ҳозирги босқичи руҳига тўғри келадими?

— Бу модда Туркия Республикаси Конституцияси андазасида ёзилгани кўриниб турибди. Туркия Конституциясининг 101-моддаси қуйидагича таърифланади: «...Президентликка сайланган шахс, сайланишгача бўлган даврда ўзи аъзо бўлган партия билан алоқани узади. Шунингдек, унинг Туркия Буюк Миллат Мажлисидаги аъзолиги тўхтатилади. Президентнинг президентлик лавозимидаги муддати тугаганидан сўнг, у сайланишгача қайси партия аъзоси бўлган бўлса, яна шу партия аъзолигига тикланиш ҳуқуқига эга».

Биз Туркия Конституцияси қандай шароитларда пайдо бўлганлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Маълумки, 1980 йилнинг 12 сентябрида Туркияда давлат тўнтариши бўлиб, давлат ҳарбийлардан иборат Миллий хавфсизлик кенгаши қўлига ўтди. Бу кенгаш дастлабки кунлардаёқ сиёсий партиялар фаолиятини таъқиқлади, уларнинг мулкларини эса ҳарбий ҳолат ҳокимиятининг тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди.

Ана шундай бир сиёсий вазиятда, 1982 йилнинг ноябрь ойида Туркиянинг янги Конституцияси қабул қилинди. Давлат тўнтаришидан сўнг 1983 йилнинг 6 ноябридагина парламентга сайловлар ўтказилди. Ушбу Конституциянинг 4-моддасига биноан тақиқланган партиялар етакчиларининг сиёсий ҳуқуқлари ҳам чеклаб қўйилган эди. 1987 йилнинг сентябрь ойига келиб жамоат ташкилотларининг ҳаракатлари билан референдум ўтказилди ва ана шу 4-модда бекор қилинди. Шундан кейингина ҳозирги Бош вазир Сулаймон Демирэл ва бошқа сиёсий етакчилар сиёсий ҳаракат ҳуқуқини олган эдилар.

Лекин, 101-модда ҳозирги кунга қадар сақланиб келмоқда. 1991 йилнинг октябрида бўлган парламент сайловларида Президент партияси айнан шу туфайли етакчисидан айириб қўйилгани учун ҳам қаттиқ мағлубиятга учради.

Қолаверса, Туркия парламент республикалари қаторига киради. Биз эса бу борада бошқачароқ нуқтаи назарга эгамиз. Зотан, Президентнинг партиявийлигини таъқиқлайдиган қонунлар АҚШ ва Ғарбий Европадаги тараққий этган давлатларнинг ҳам ҳеч бирида учрамайди. Шахснинг сиёсий ҳуқуқларини қонун билан чегаралашни халқаро ташкилот ва анжуманлар ҳам маъқулламаяпти. Масалан, Янги Европа учун Париж хартиясининг ҳужжатида (1990 йил ноябрь): «Фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партия ва ташкилотларнинг вакиллари сифатида сиёсий лавозимларни ёхуд давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқи камситилмайди ва унга ҳурмат билан қаралади», деб ёзилгандир.

Агар масалага умуминосний нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бундай ҳолат миллий маънавиятимиз анъаналарига ҳам зиддир. Чунки, сиёсий партияларга киришни аввалambor ҳар бир кишининг сиёсий эътиқоди белгилайди. Сиёсий эътиқодни ҳам, айтайлик, тақводор кишини вақтинчалик худодан кеч, деб бўлмагани сингари, вақтинчалик тўхтатиш ҳам мантиққа тўғри келмайди.

— Республика партия ташкилотларида Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш қандай боряпти?

— Лойиҳани муҳокама қилиш жараёнида аксарият партия аъзолари фаол иштирок этмоқдалар. 12 мингга яқин бошланғич ташкилотимиз йиғилишларида, барча район, шаҳар ва вилоят партия кенгашлари пленумларида Конституция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Бу йиғинларда халқимизнинг барча ижтимоий қатламлари вакиллари иштирок этдилар. Уларда аввало демократия манфаатларидан келиб чиқиб, минглаб таклиф, фикр-мулоҳаза ва истаклар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига таклифлар тайёрловчи партия Марказий Кенгаши ҳузуридаги ишчи гуруҳи томонидан «Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси: янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлидан» номли йирик таҳлилий мақола тайёрланиб, «Ўзбекистон овози»нинг тўлиқ иккита саҳифасида эълон қилинди. Мақолада жаҳон конституциявий қурилиш тажрибаси билан Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси ўртасидаги уйғунликлар ҳамда Лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу гуруҳ раҳбари, Марказий Кенгашимиз котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидовнинг «Жаҳон Конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни» номли рисоласи нашр қилиниб, ҳар бир район ва шаҳар партия ташкилотига жўнатилди. Барча партия ташкилотларимиз ишчи гуруҳи томонидан турли методик тавсиялар билан муттасил таъминланиб турилди. Партиямизнинг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарида ҳамда вилоят партия ташкилотларимиз муассис ёки ҳаммуассис бўлган газеталарда Конституция лойиҳаси муҳокамасига доир махсус рукнлар очилиб, унда партия фаоллари ўз таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

— Бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда партиянинг ўрнига қандай баҳо берасиз?

— Партия Дастурининг махсус қисми ана шу мақсадга қаратилгандир. Унга мувофиқ, бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамиз аҳолисининг ҳаёти тўкис бўлиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат қоидаларига оғишмай амал қилиш партиямиз фаолиятининг асосий мақсадидир. Шу боисдан ҳам партия ташкилотларимиз аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш ташаббускори бўлиб чиқмоқдалар.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини Республика Олий Кенгашига тақдим этди. Вазирлар Маҳкамасига эса истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштириш ҳамда республика аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлашга доир таклифлар киритилиб, унинг асосий қисмининг ҳаётга тадбиқ қилинишига эришилди.

Фаолиятимизнинг бу йўналишида Республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг: «Бозор тартиботларини жорий этишдан олдин кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади», деган кўрсатмасига амал қилиб, ҳукуматнинг бу борадаги фаолиятини ҳам сиёсий, ҳам амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз.

— Сизнингча, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши билан ҳукумат ўртасидаги муносабатлар қай тарзда қурилиши керак?

— Маълумки, ҳар қандай партия Дастури бу, бир томондан, партиянинг бутун жамиятни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадларининг мажмуаси бўлса, иккинчи томондан, унинг халқ олдидаги ўзига хос, сайловолди ваъда ва мажбуриятларидир. Навбатдаги сайлов даврigача ҳар бир партия ўз Дастурини ҳаётга татбиқ қила бориши лозим. Акс ҳолда, кейинги сайловда халқ ундан воз кечиб, бошқа бир сиёсий оқим ортидан эргашади.

Шу боисдан ҳам дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар бир партиянинг ҳаёт-мамот масаласидир. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат ва вазирликларга вақтивақти билан дастурий вазифаларни амалий жиҳатдан бажариш учун таклиф ва тавсиялар бериш, бу-жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз.

— Сизнингча, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши билан ҳукумат ўртасидаги муносабатлар қай тарзда қурилиши керак?

— Маълумки, ҳар қандай партия Дастури бу, бир томондан, партиянинг бутун жамиятни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадларининг мажмуаси бўлса, иккинчи томондан, унинг халқ олдидаги ўзига хос, сайловолди ваъда ва мажбуриятларидир. Навбатдаги сайлов даврigача ҳар бир партия ўз Дастурини ҳаётга татбиқ қила бориши лозим. Акс ҳолда, кейинги сайловда халқ ундан воз кечиб, бошқа бир сиёсий оқим ортидан эргашади.

Шу боисдан ҳам дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар бир партиянинг ҳаёт-мамот масаласидир. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат ва вазирликларга вақтивақти билан дастурий вазифаларни амалий жиҳатдан бажариш учун таклиф ва тавсиялар бериш, бу-

— Халқ демократик партиясининг ишбилармон ва тадбиркорларга муносабати қандай?

— Бу ҳақда дастуримизда шундай дейилади: партия «кўп укладли иқтисодиётга ўтиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, ишбилармонлик, яхши ниятдаги даромадгирлик ва хусусий мулкчиликни рағбатлантириш, одамларнинг баракали меҳнат қилишга бўлган қизиқишини оширадиган моддий рағбатлантириш омилларини ривожлантириш тарафдоридир». Кўриниб турибдики, партиямиз янги пайдо бўлаётган бу ижтимоий қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу кунларда кўплаб ишбилармонлар ҳам партиямиз сафига кирмоқдалар. Келгусида улар билан алоқани мустаҳкамлаш ниятидамиз. Ишбилармонларнинг вакиллари билан партиямиз Марказий Кенгашида учрашув ўтказишни режалаштирганмиз.

Ишбилармонларнинг манфаатларини қондириш учун келажакда яна ҳам яхшироқ шарт-шароитлар яратилиши кўп жиҳатдан уларнинг ўзларига боғлиқ. Улар ҳам халқ орасида обрў қозонган, сиёсий йирик партия ва жамоат ташкилотлари ишида фаол қатнашишлари лозим, деб ўйлайман. Алоҳида уюшмаларга бирлашиб бизнес ҳолда ҳаракат қилиш камлик қилади. Зотан, Конституциямиз қабул қилинганидан кейин бўладиган сайловларнинг натижаларини жамиятдан ажралиб қолган якка тартибдаги уюшмалар эмас, балки халқимиз, унинг энг оммавий партия ва жамоат ташкилотлари ҳал қиладилар, албатта.

— Шу бугунги партия ходимида қандай ҳислат ва фазилатларни кўришни истардингиз? Партия қуйи ва ўрта бўғинидаги ҳозирги раҳбар кадрларнинг сиёсий савияси Сизни қаноатлантирадими?

— Ҳозирги кўппартиялилик шароитида аввало партия ходимининг сиёсий эътиқоди мустаҳкам бўлиши лозим. У янгиликка интилувчанлиги, ўз атрофидаги кишиларга диққат-эътибор билан қараши, хушмуомала ва билимдонлиги билан ажралиб туриши, етарлича нутқ маданиятига эга бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Эндиликда сийқаси чиққан эски усуллар, эскича фикрлашлар билан узоққа бориб бўлмайди. Ҳозирги кўппартиялилик ва кучли сиёсий рақобат даврида ҳар бир партия ходимининг ҳалол ва яхши аҳлоқий фазилатларга эга бўлиши халқимизнинг партиямиз сиёсий йўлини қўллаб-қувватлашига муҳим гаровдир. Халқни ишонтира олиш, партиянинг дастурий ҳужжатларини амалиётга татбиқ эта билиш маҳорати, фавқулодда ҳолатларда ўзини йўқотиб қўймаслик, меҳнат жамоаларида ҳар бир инсоннинг кўнглидаги орзу-истакларини ҳисобга олиб иш олиб бориш каби қобилиятларга эга бўлган ходимларгина партиямиз обрўсини оширишга мумкин. Иродасиз, сиёсий жиҳатдан бўш партия ходимлари на ўз меҳнат жамоасига, на ўз атрофидаги ижтимоий муҳитга таъсир ўтказа олади. Партия ташкилотлари ишини кескин яхшилаш кўп жиҳатдан уларга бошчилик қилаётган раҳбар ходимлар савиясига ҳам боғлиқдир. Кучли, билимдон партия ходимлари раҳбарлик қилаётган жойларда партиявий, сиёсий-ташкилий ишлар ҳам яхши кетмоқда.

— Шу кунларда Марказий Кенгашнинг пленуми ўтказилиши мўлжалланмоқда. Унда қандай масалалар муҳокама қилинади?

— Пленумда партия Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси юзасидан сиёсий нуқтаи назари ҳамда сиёсий ижроия қўмитанинг бир йиллик фаолияти тўғрисидаги масалалар Марказий Кенгаш аъзолари муҳокамасига ҳавола этилади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Журналист **Олимжон НАЗАР** суҳбатлашди.

• Газета—газетхон

ТЎРТКЎЛДА УЧРАШУВ

Тўрткўл районида «Ўзбекистон овози» газетаси муштарийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда район ва шаҳар жамоатчилигининг, меҳнат жамоаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби Ё. Рўзимбетов ўз сўзида «Ўзбекистон овози» газетасининг республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, илм-фан ва маданиятни юксалтиришдаги, меҳнаткашларни маданий-маърифий жиҳатдан тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди. «Ўзбекистон овози» газетасининг Қорақалпоғистон республикасидаги мухбири Р. Ешимбетов газетанинг иш фаолияти, келгусидаги режалари ҳақида муштарийларга сўзлаб берди.

Сўзга чиққан райондаги «Амударё» жамоа хўжалиги партия ташкилоти секретари О. Қувондиқов, «Дўстлик байроғи» район газетасининг муҳаррири Б. Назаров, Я. Эломонов номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Б. Посомов, «Ўзбекистон» ўрта мактаби директори Г. Ибадуллаева, район фахрийлар кенгаши раиси Н. Матмуротовлар газета мавзусини янада бойитишга қаратилган ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Жумладан, улар газета саҳифаларида партия ташкилотлари фаолиятига оид материалларни кўпроқ ёритиш зарурлигини таъкидладилар.

Тўрткўл район ҳокими Т. Хожиев «Ўзбекистон овози» газетасининг бозор иқтисодиётининг ҳозирги мураккаб шароитида қийинчиликларни енгиш борасида халқимиз олиб бораётган фидокорона меҳнати, Ўзбекистон республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлашдаги амалий ишларини ёритишда катта ташкилотчилик ишларини олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

А. АБАЕВ,
ЎзХДП район кенгашининг ходими.

• Мулоҳаза •

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҚАДРДОНИМ

«Ўзбекистон овози» газетасига 1938 йилдан обуна бўламан. Газета 1938 йилгача лотин алифбосида чоп этиларди. Ўша йиллари мен дала шийпонларида деҳқонларга газета ўқиб берардим. Уларни мириқиб тинглашларини кўриб дилим яйрарди. Кўпчилик саводсиз эди-да, ахир. Хуллас, «Ўзбекистон овози» менинг 40 йиллик қадрдоним.

Газетанинг бугунги саҳифалари айниқса менга ёқади. Чунки, мақолаларда катта маҳорат ва журъат бор, самимият бор. Кейинги пайтларда ҳақиқий фельетон шайдолари айнан шу газетани ўқишади. Унга мурожаат этган киши борки, албатта бир ёрдам олади.

Ёшим 72 да. Ўзим 1-гуруҳ ногирониман. Газета менинг севимли ҳаммаслагимга айланиб қолган. Ҳатто, мана кўрдингиз, шунча йиллик мулоқот туфайли унинг «мухбирига» айланиб қолдим.

Газета ижодий коллективига омад тилаб:

Қобилжон ОДИЛОВ,
Акмал Икромов районн, Боғистон кўчаси.



• Акс-садо

«Асакада автомобиль туғилмоқда, номини Сиз қўйинг, муштарий!»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ.

Асакада чиқадиган автомобиллар пешонасига **«Ўзбекистон—Андижон—Асака»** сўзлари пахта чаноғи ва буғдой бошоғи шакли ўраб берилган рамзий белги қўйилиши тарафдориман.

Мамадолим МАМАТИМИНОВ,
Асака шаҳри.

— Машинани **«МУЗААС»—1»** деб атасак. Маъноси: М—Мустақил, Ўз—Ўзбекистон, А—Автомобил, АС—Асака, 1—биринчи.

Б. ЭШҚУВВАТОВ,
Н. ОЧИЛОВ,
Қарши райони.

— Машина номи **«Асака»** бўлсин. У жарангдор ном бўлиб, биринчи автомобилимиз туғилган шаҳарни улуғлаб туради.

Қ. МАМАТОВ,
Андижон шаҳри.

— Темир йўл шоҳбекатларида, поезд вагонларида, самолётларда «Ўзбекистон» номи ёзилганини кўрганда фахрланаман. Шу боис автомобилга **«Ўзбекистон»** деб ном қўйилиши ғурурли.

Б. БОБОЖОНОВ,
Хоразм, Боғот райони.

— Бошқа ерларда машиналарга жой, дарёлар номини қўйиш кенг тарқалган. Янги машинага **«Орол»** номини қўйсак, ягона денгизимиз номи абадийлашармиди!

Р. РАЖАБОВ,
Хоразм, Хазорасп райони.

— Асака автомобиллари **«АС»** деб аталса.

С. ХУДОЙҚУЛОВ,
Р. НЕЪМАТОВ,
Самарқанд, автоҳаваскорлар.

— Янги автомобиллар мустақиллигимиз рамзи бўлиб қолсин. Шунинг учун унга **«Мустақил—1»** деб ном беришни маъқул кўраман.

М. СОДИҚОВ,
Фарғона вилояти.

• Журналларнинг янги сонларида


«МУЛОҚОТ»

Журналнинг навбатдаги 11—12-сони босмадан чиқди. У одатдагидек мазмун-моҳияти билан олдинги сонлардаги чиқишларнинг давоми бўлиб, ўз йўналишига мос равишда долзарб муаммолар кўтарилган қизиқарли мақолалар бор. У фалсафа фанлари доктори, профессор Исо Жабборовнинг «Ҳаяжон ва ҳайрат гирдоби» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Муаллиф исломга янгича муносабат, умуман мафкурада туб бурилиш ясаш, миллий қадриятларга янгича назар билан қараш муаммосини дадил ва қизиқарли тарзда кўтарган.

А. Эшонқулов ўзининг «Тарихий сабоқлар» мақоласида мустақиллик масалалари, унинг имкониятлари ва истиқболга элтувчи йўллари борасида мушоҳада юритади. Мулоҳазалар гоҳ кўтаринки, гоҳ ўйлашга чорловчи бир услубда ёзилган. Профессор Қ. Мусаевнинг «Ислоҳ учун меъёрий асос зарур» номли мақоласида давлат тили тўғрисидаги қонун, ўзбек тилининг ҳозирги аҳволи ва келажаги, қонунни амалга оширишдаги ютуқ ва камчиликлар батафсил таҳлил этилади, аниқ ва асосли таклифлар ўртага ташланади.

«Мулоқот» саҳифаларида одатдагидек тарих ва маданий меросга катта ўрин ажратилган. Жумладан, ундан И. Каримовнинг «Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат», Ҳ. Зиёевнинг «Ноҳақ тўкилган қонлар», Б. Манноновнинг «Сарғардон кечган умр» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. Олдинги сонларда сиз ўқиган «Чаҳорёр»нинг бири Умар ибн Ҳаттоб ҳаёти ва фаолияти билан танишасиз. Таниқли олим Б. Аҳмедовнинг «Амир Темурга мактублар»ининг бешинчисини ва А. Маҳкамнинг «Ҳақ йўли» мақоласининг давомини ўқийсиз.

«7-саҳифа меҳмони» рукнида эса И. Искандаровнинг орзу ва ўйлари билан танишасиз. Шунингдек, журнал сўнгида «Мулоқот» дафинаси» рукни остида берилган қизиқарли таклифлар ва ажойиботлар диққатингизни тортиши мумкин.



Турли касб эгалари

САЛОҲИЯТ

II Тошкент давлат тиббиёт институтининг госпитал жарроҳлик кафедрасининг профессори Фарҳод Назировни қўли гул шифокор дейишади. Сабаби у беморларнинг дардини тезроқ аритишга интилади. Хасталикдан тезроқ фориғ бўлиш йўлларини излайди, изланади.

1972 йили Тошкент Давлат медицина институтини битирган Фарҳоджонни аспирантурада ўқишга олиб қолиб устозлари янглишмади. Академиклар Ў. Орипов, К. Зуфаровлар раҳбарлигида у жарроҳлик илми бўйича ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Яхши шифокор яхши онла бошлиғи ҳамдир. Фарҳоджоннинг икки фарзанди бор. Умр йўлдоши Ширин Муродхўжаева ҳам шифокор.

Еш бўлишига қарамай, Ф. Назировнинг шогирдлари ҳам талайгина. У ўзининг билими, тажрибасини уларга «юқтириш»га ҳаракат қилади.

Фотомухбиримиз Е. Ботиров олган суратда профессор Фарҳод Назиров шогирди Ойбек Бобохонов билан суҳбатлашаётган пайти акс этган.

Инсоф сари барака!

ДЕҲҚОН ГАЗЕТАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЛОВАСИ

1992 йил 4 декабрь, жума № 4

• «Осиё бозори»дан жаҳон бозори сари •

ИШБИЛАРМОНЛАР КЎЗГУСИ

Азиз газетхон! Мана сиз «Осиё бозори» ахборот-тижорат газетасининг 4-сони билан таништмоқдасиз. «Осиё бозори» газетаси том маънода ҳақиқий ахборот-тижорат газетасидир. Унда ҳамма учун фойдали эълонлар, билдирувлар, ахборотлар, рекламалар, шахсий билдирувлар чоп этилади.

Қадрли муштарий! Мабодо Сиз ўз қадрдонингизни, ота-онангизни, ака-ука ёки сингилингизни туғилган куни билан мубораксод этмоқчи бўлсангиз, марҳамат «Осиё бозори» Сизнинг эълон ва билдирувларингизни энг арзон нархда тез ва соз, кўнглингиз истаган ҳолда чоп этади.

«Осиё бозори»дан маънавий қадриятларимиз учун, ўтганларни ёд этиш учун алоҳида жой ажратилган. Улар «Ёднома» рукни остида ҳам бериб боришади. «Осиё бозори» ҳар қандай реклама учун энг қулай ва арзон газетадир.

Сиз жаҳон бозорига фақат «Осиё бозори» орқали чиқишингиз мумкин. У ҳар қандай корхонанинг ва меҳнат жамоасининг ишини, тайёрлаётган маҳсулотларини нафақат Ўрта Осиёга, балки, Қозоғистон ва қолаверса, МДҲ давлатларига ва бутун жаҳонга кўз-кўз қила олади. Сиз «Осиё бозори» орқали ўзингизга шерик, ҳомий ва муассислар топишингиз мумкин. Ундаги эълонларни миллионлаб кишилар ўқишга муваффақ бўлади.

«Осиё бозори» ҳар қандай снёсатдан ҳоли бўлган, ахборот-тижорат ишларига кенг бағрини очган чин маънодаги реклама газетасидир.

«Осиё бозори» республикамизда отахон газета бўлмиш «Ўзбекистон овози» газетаси бағрида вужудга келди. Газатамиз иқтисодиёт ривожининг замини бўлган бозор муносабатлари масалаларини рўйи-рост ёритиб, республикамизда оқил ишбилармонлар, тадбиркорлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.



Муслима қиз, юзингда нур,
Талъатингда иффат эрур.
Ҳақдан бошқа касга боқма,
Боқсанг ерга тўкилар дур.

Кўзлар тўла кулгу, роҳат,
Юзлар анор лўппи-лўппи.
Суҳбатлар ҳам зўрдир, фақат
Тўртта бошда битта дўппи!..

ОЛМАЛИҚ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ КОМБИНАТИ

Энг арзон нархларда қуйидаги маҳсулотларини таклиф қилади:

— асфальт, шлакоблок ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ялтироқ қум (майдалик даражаси 0-5 мм) 1 тн.—25 сўм;

— биноларни ҳар йили таъмирламасликнинг бирдан-бир йўли, бизнинг маҳсулотимиз — мармар ушоғи билан суворқ қилишдир, 1 тн. (55-10 мм) — 106 сўм; 1 тн. (3-5 мм) — 130 сўм; 1 тн (10-20мм) — 85 сўм — биноларнинг полига ишлатилади;

— кесилган тош 1 донаси — 6 сўм. 188х190х390 мм ҳажмига эга бўлган бир дона кесилган тош 7,2 та пишган ғиштнинг ўрнини қоплайди;

— девор блоклари 1000х2200х400 мм, 1 м³ — 404 сўм;

— биноларнинг ички безагига ишлатиладиган чиғаноқли плиталар, нархи 1 м² — 217 сўм;

— чиғаноқли плиталар олинадиган блоклар, нархи 1 м³ — 630 сўм;

1993 йилга комбинат сотиб олувчилар билан маҳсулот етказиб беришга шартнома тузади.

Маълумотлар учун телефон: 3-04-37, 3-04-60, 3-18-51.

Телетайп: 116717. «МРАМОР».

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Китве кўчаси, 1-А уй.

ТЕГИРМОН—ХИЗИР НАЗАРИ ТУШГАН ЖОЙ

— Тегирмони гувуллаб ишлаб турган юртнинг рўзғори обод, дастурхони тўкин бўлади, — дейди Иштихон район ҳокими Тўрақул ака Йўлдошев. — Бугунги кунда районимиз ҳудудида ишлаётган тегирмонлар сони 50 тадан ошиб кетди. Бугун ана шундай тегирмонлардан бири «Туркистон» жамоа хўжалигининг Ҳотамхўжа қишлоғида иш бошлайди. 40 йил тракторчилик қилган, айни чоғда меҳнат фахрийси Турдимурод ака Аширов шу ҳайрли ишга бош-қош бўлди. Шахсан у кишининг ўзи тегирмоннинг тантанали очилишига бизни таклиф этган. Кексаларимизнинг сўзи ерда қолмаслиги керак. Ишқилиб, хайрли ишларнинг бошида турганлар доимо омон бўлсин!..

Шу куни Ҳотамхўжа қишлоғи аҳолиси учун бу ерда ажойиб тантана бўлди. Мол сўйилиб, дошқозонлар осилди, дастурхонлар тузалди. Қарнялар бир пиёла чой устида гурунглашиб, хайрли ва савоб ишнинг келажагига оқ фотиҳа беришди.

— Ҳар қандай тегирмон — Хизрнинг назари тушган хонадон, — дейди Эшқувват бобо Хушмуродов. — Тегирмонда ҳикмат кўп. Ризқ-насибамизнинг бутунлиги, ниъмон ва виждонимиз ҳалоллиги у билан боғлиқ. Унинг қурилишига биз, кексалар баҳоли-қудрат бош қўшдик. Илоё, барака топсин — раисимиз Ниёз Тойиров ҳам қўлдан келганча ёрдамини аямади. Шоё Мейлиев, Пўлат Бўронов, Знёд Эргашев каби пайғамбар ёшидан ошган тенгқурларим ҳам ишбошида бўлишди.

Ана, эшитаяпсизми, тегирмон гувуллаяпти. У бир кечакундузда аҳолига 2 тоннагача наснба улашмоқда. Бундан Ш. Рашидов номли, Ҳ. Олимжон номли ва қўшни Гўзалкент районининг «Чимбойобод», Навоий номли жамоа хўжаликларининг кўплаб аҳолиси ҳам баҳраманд бўлишаяпти.

Шунингдек, Йўғонтепа қишлоғидаги Тойир Баротов ва «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Қултепа қишлоғидаги Оқбўта Раҳимовлар бошқараётган тегирмонлар хизматидан ҳам аҳоли хурсанд.

Бунда сўнмас тандирлар тафти.

Ўчоқлар ҳам оташ—саратон...

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ «ЎЗБЕКИСТОН» БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

таъсисчилар, акционерлар, брокерлар ва мижозларга савдо-сотиқлар ҳар жума куни эрталаб соат 10.00 да «Узэкспоцентр» (Ўзбекистон Республика собиқ ХХЮК) ирригация ва сув хўжалигини мелиорациялаш павильонида ўтказилаётганлигини маълум қилади.

«Ўзбекистон» агросаноат биржаси Сизга мунтазир!

Алоқа телефонлари: 45-84-67, 45-06-45.

• Мустақиллик уфқлари

Қайси бир дўконга кирманг, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тамғаси қўйилган маҳсулотларга кўзингиз тушади. Булар эркаклар ва аёлларнинг, болалар ва қизалоқларнинг ранг-баранг, мавсумбоп пальтоларидир. Бир пайтлари дўконларда чанг босиб ётган бу моллар бугунги кунда ўта харидоргир бўлиб қолди. Чунки бу маҳсулотлар жаҳон стандартлари даражасида бўлиб, энг яхши матолардан сифатли қилиб тикилмоқда. Хўш, бундай юқори кўрсаткичларга қандай эришилмоқда? Буларнинг бирор сири борми?

— Бунинг ҳеч қандай сир-пири йўқ, — дейди бирлашма бош директори, иқтисод фанлари номзоди Хайрулла Асадович Акбаров. — Бугунги кунда бирлашмамиз республикамизда ҳамма ёшдагиларга мослаб қишки ва мавсумбоп пальто ишлаб чиқарувчи ягона корхонага айланиб қолди. Жамоамиз тикаётган пальтолар бир йилда 1 миллион донадан ошиб кетяпти. Ҳар йили 160 га яқин янги моделдаги пальтолар ўзлаштирилмоқда. Маҳсулотларимизни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бошқа мамлакатларга ҳам жўнатмоқдамиз.

Бундай муваффақиятларга асосан чет эл фирмалари билан ҳамкорлик асосида иш олиб бориш туфайли эришмоқдамиз. Жумладан, 1988 — 1990 йилларда Франция фирмаларидан бири «Кленкер ИНА» билан бирга анча ишларни амалга оширдик. Тикув цехлари янги дастгоҳлар билан жиҳозланди. Бу эса янги энг замонавий моделларни ўзлаштириш имконини бермоқда. Корхонамиз нафақат Франция, балки Германия, Испания ва Швеция фирмалари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб бормоқда. Бу жойлардан келтирилган замонавий тикув дастгоҳлари чеварларимиз ишини енгиллаштирди. Ғарб мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий алоқалар энг замонавий моделларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини кескин ошириш имконини бермоқда.

Ҳа, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзига хос тарихга эга. 1907 йилда кичкинагина ҳунармандчилик устахонаси ўрнида ташкил топган тикув корхонаси бугунги кунда республикамиздаги энг етакчи корхоналардан бирига айланди. Ўша пайтда корхонада атиги 27 киши ишлаган бўлса, бугунга келиб унинг цехларида 3 минг кишидан зиёд чеварлар меҳнат қилишмоқда. Унинг филиаллари республикамизнинг кўпгина шаҳарлари — Тошкент вилоятининг Красногорск шаҳрида, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида, филиаллари ишлаб турибди.



ЧЕТ ЭЛНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ



Тошкент шаҳрида «Тонг» фирма дўкони ва Қорасув шаҳрида (Андижон вилояти) фирма дўкони ишлаб турибди. Корхона маъмуриятининг ташаббуси билан эса «Ойдин Мониза» ўзбек — хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

Бугунги кунда замонавий техника истиқлол сари ривожланишнинг муҳим манбаидир. Корхонанинг цехларида 662 тадан зиёд энг унумли дастгоҳлар, ярим автомат ва автомат линиялар ўрнатилди. Бир қатор жараёнларни автоматик равишда бажариш имкониятига эга бўлган «ИНВЕРСМАК» автоматлаштирилган система жорий қилинди. Буни жорий этиш натижасида меҳнатни ташкил этиш такомиллашди, тажриба цехида эса янги моделлар яратиш имкони кўпайди.

Тайёрлов цехида газлама ўлчаш ва уларни навларга ажратиш мақсадида Франциядаги «Альпик» фирмасининг компьютерли дастгоҳлари ўрнатилди. Бичув цехида «Сюто» (Франция) фирмасининг комплекслари ишга туширилди. Шунингдек, «Канигисер» (Германия) фирмасидан келтирилган мосламалар ҳам бичиш-тикиш жараёнларини амалга оширишда асқотмоқда. Ҳозирги кунда барча меҳнат жараёнлари механизациялаштирилган. Хуллас, Ғарб мамлакатларининг қатор фирмаларида ишлатилаётган энг замонавий универсал ва махсус тикув машиналари чеварларимизнинг ориринн енгил қилмоқда.

Бирлашма конструкторлари ва технологлари кўплаб моделларни яратмоқдалар. Бу моделлар ўзининг замонавийлиги, ҳушбичим ва бежиримлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Бирлашмада баракали меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда корхона ҳузурида тиббиёт-санитария қисми, профилакторий, саноат моллари ва мева-сабзавот дўконлари, сартарошхона, пойабзалларни ремонт қилиш устахонаси ишлаб турибди. Чеварларнинг кичкинтойлари эса болалар боғчаси ва комбинатда улғаймоқдалар.



И. Ганди номли Маданият саройи ва қатор ётоқхоналар ҳам корхона ишчиларининг хизматидадир.

Қарс — икки қўлдан чиққани каби корхона чеварлари ғамхўрликка жавобан савдо тармоқларига кўплаб халқ истеъмоли буюмлари етказиб беришлари учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Ўтган йили мижозларга 312672 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилган бўлса, бу йил бу рақам ундан ҳам ошади. Ҳеч шубҳа йўққи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси тайёрлаётган бир-биридан чиройли, ҳушбичим ва қулай пальтолар чет эллиқидан қолишмайди. Бу маҳсулотларга чет мамлакатлардан ҳам буюртма тушаётганлиги шубҳасиздир.

М. ХАЛИЛОВ,
С. САЛИМОВ,

СУРАТЛАРДА: корхона бош директори Хайрулла Акбаров, Бирлашманинг қўли гул чеварлари.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ПУЛ ТОПИШНИ БИЛИШ КЕРАК

Косонсойда қисқа вақт ичида 27-ҳунар-техника билим юртининг ўқув-тажриба корхонаси ишлаб чиқарган буюмлар машҳур бўлиб кетди. Косонсойликлар корхонада ҳар бир иш пухта, виждонан бажарилишини биладилар. Билим юрти ҳузурида ташкил этилган корхона турли тикувчилик буюмларн, асосан болалар кийим кечакларини тайёрлаб бермоқда. Уларни тарбияланувчилар ва муаллимлар дарслардан бўш вақтларида тикишмоқда. Бундай ихтисослашиш тушунарлидир: билим юрти асосан тикувчи-моторчиларни тайёрлайди. Лекин корхона ўз фаолияти соҳасини фақат кийим тикиш билан чеклаётгани йўқ. Ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиларн ва муаллимлари аҳолининг ремонт-қурилиш ишларини бажаришга, юк ташишга доир буюртмаларини ҳам бажаришмоқда. Ҳатто компьютерларда программа тайёрлаш билан ҳам шуғулланишмоқда.

Билим юрти ҳузуридаги корхона цехларида йигит ва қизлар бозор иқтисодиёти талабларини ҳам ўрганмоқдалар. Бу ерда ишлаб яхшигина пул топиш мумкин, чунки фойданинг 70 фонзи иш ҳақига сарфланади. Корхона ташкил этилгандан буён ўтган ярим йил ичида болалар ярим миллионга яқин пул ишлаб топдилар. Билим юрти тарбияланувчилари ва муаллимлари хизмат турларини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

* * *

Яхлит беш минг сўмлик пул эгаларига катта ташвиш тугдирмоқда. Бу пул билан бугун бозорда ҳам, давлат дўконларида ҳам бемалол бир нарса харид қила олмайсиз. Сабабн, унн майдалаш қнйин. Гап шундаки, пихини ёрган савдо ходимларн майда пул тақчиллигидан ҳам фойда кўряптилар. Масалан, Қашқадарё томонларда баъзн дўкон ходимларн беш минг сўмликни 300 сўм эвазига майдалаб берншмоқда. Пул пулнн топадн дейишганн шу бўлса керак-да.

[ЎзА мухбирлари].

• Президент Фармони—эл дармони

Ишбилармон, тадбиркор — яхши раҳбар отангдан улуғ, дейдилар. Агар раҳбар ночор бўлса, у ерда интизом хароб, меҳнат азоб бўлади. Биз ҳаётда хуш кўрадиган нарсалар жуда кўп. Эътиқодли инсонлар ҳамма вақт эл ардоғида бўлган. Инсоннинг бир-бирига меҳри, яхши яшаш ва меҳнат қилиш завқи билан уйғунлашган, ҳоҳишистаги доимо яхшиликка олиб келган. Бунинг исботини Қашқадарё вилояти Қамаши ноҳиясидаги «Марксизм» жамоа хўжалиги мисолида яққол кўришимиз мумкин.

ТАДБИРКОРНИ ЮРТ СЕВАДИ

Хўжалик аъзолари мустақиллик байроғи остида ёш тадбиркор раис Шаймардон Ҳайитов раҳбарлигида ақилиноқ бўлиб, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида енг шимариб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари бирдек ривожланмоқда. Бундан уч йил муқаддам «Марксизм» жамоа хўжалиги Қамаши ноҳиясида энг қолоқ, давлатдан доимий равишда қарздор бўлган хўжаликлар тоифасидан эди. 1989 йилда хўжалик деҳқонлари ўзларига ҳамюртдош бўлган ёш йигит Шаймардон Ҳайитовни бир овоздан раис қилиб сайладилар. Натижа бир йилдаёқ ўз самарасини берди. Ўша йилиёқ 1600 гектар ерга чигит қадалиб: режадаги 4000 тонна ўрнига 4400 тонна пахта, 2415 гектар лалми ерга ғалла экилиб, гектар бошига 11 центнердан ғалла олинди, шунингдек, пилла, сут, гўшт, мева, асбзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам режадагидан ортиқ бажарилди. Пул даромади 5132 миллион сўм ўрнига 5795 милион сўмни ташкил этди. Хўжалик бир йил ичидаёқ қолоқликдан чиқиб, қадрини ростлади.

Шаймардон Ҳайитов ишбилармон раис сифатида хўжаликнинг барча участкаларида тажрибали, билимдон, меҳнатсевар кишиларини бириктириб қўйди. Механизацияга эътиборни кучайтирди. Пахта майдонлари қисқартирилиб, ғалла экиладиган ерлар кенгайтирилиб борилди. Илғор бригадалардан Хушвақт Ражабов, Ўрол Келдиёров, Поён Норбўтаев, Баҳодир Бекмуродов каби хўжаликнинг илғор пахта бригадалари пахтадан мўл ҳосил етказиш учун жонбозлик кўрсатиб, ҳар бир гектар майдондан 37—42 центнердан ҳосил кўтариб келмоқдалар. Пахта ҳосилдорлиги 40—45 центнерга етди. Чорвачилик соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди.

1992 йилдаги хўжаликнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлди. Давлатга 3900 тоннадан зиёд пахта, 3585 тонна ғалла етказиб берилди. Жумладан, ғалла топшириш режаси ортиғи билан бажарилди. Шунингдек, 90 тонна картошка, 105 тонна ҳўл мева, 504 тонна сабзавот ва 320 тонна полиз маҳсулотлари эл дастурхонига тортиқ этилиб, бу борадаги кўрсаткичлар ортиғи билан адо этилди. Сут тайёрлаш режаси ҳам ортиғи билан уддаланди.

Тиниб-тинчимас, ишбилармон раис Шаймардон Ҳайитовнинг бошқарувида меҳнат аҳли уч йил ичида давлатдан ўз зиммаларидаги қарзларидан батамом қутилди. Тармоқлардан келаётган соф даромаднинг катта қисми қишлоқ қурилиши ва ободончилигига сарфланмоқда. Ободонлаштириш ва қурилиш ишлари хўжалик раҳбариятининг доимий диққат эътиборида. Хўжаликда 8 та аҳоли пункти бўлиб, уларда хўжалик истиқомат қилади. Бундан ташқари 1 та 50 ўринли қишлоқ шифохонаси, 5 та фельдшерлик пункти, 6 та ўрта мактаб, 1 та алоқа бўлими, 9 та магазин, 3 та гўшт ва сабзавот дўконлари меҳнаткашлар хизматига топширилиб қўйилган. Халқ турмуши кун сайин тубдан яхшиланмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти танглигини енгиш чоралари кўрилмоқда.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарияти республика Президентининг барча Фармонларини муваффақиятли бажариб келмоқда. Қишлоқ турмуши шароитини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Ишбилармон раис Шаймардон Ҳайитов «Марксизм» жамоа хўжалигига бошлиқ бўлганига уч йил бўлган бўлсада, ана шу ўтган вақт давомида 42 километр ички қишлоқ йўллари текисланиб, тош-шағал ётқизилди, 15 километр йўл асфальт қилинди. Майда каналига янги кўприк ўрнатилди. 3 та магазин, 4 та тиббиёт пункти, 1 та қишлоқ касалхонаси 3 та ўрта мактаб биноси, 1000 ўринли масжид қурилиб, фойдаланишга топширилди. 700 гектар ер планировка қилиниб, қайта қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. 2 та жувоз, 1 та тегирмон қурилиб ишга туширилди. Хўжалик марказида савдо-маиший хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилиб, у уч йилдан буён хўжалик аъзоларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Савдо ва маиший хизмат дўконларида хўжаликда ишлаб чиқарилган сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари хўжалик ҳисобидан колхозчиларга арзон нархларда сотилади. Бу эса колхозчиларга кундалик турмуш шароитларини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Хўжаликда томорқа учун ер тақсимлаш масаласи тамоман ҳал бўлган. Уч йил ичида 500 кишига участка берилган. Ер участкаси олишни хоҳловчиларга узлуксиз 0,20 сотихдан майдон берилаётир. Ҳозир томорқачилар ихтиёрида қарийб 300 гектарга яқин янги ер бор. Бошқа соҳаларда ҳам одамларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Маданий ҳордиқ чиқариш, бева-бечора ва ногиронларга ёрдам, уруш ва меҳнат фахрийларига хўжалик фондидан пул ва қимматбаҳо совғалар бериб келинмоқда.

Ҳа, одамларга ғамхўрлик ишлаб чиқариш, унинг истиқбол ривожланишига ғамхўрлик қилиш демакдир. Бу ажойиб хизмат тадбиркор раис Шаймардон Ҳайитовнинг бутун қалб-вужудига сингиб кетган десак муболаға бўлмайди, албатта. Ғамхўр бу ёш раҳбар келажакни кўзлаган ҳолда иш юритмоқда.

Равшан МИРЗАЕВ,
меҳнат фахрийси.

«ОСИЁ» БИРЛАШМАСИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ҚОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРГА КИЧИК, ҚЎЧМА ГИШТ ЗАВОДЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Гишт заводлари бир йилда 8 миллион донагача гишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Бир гишт заводининг баҳоси йиғиб-ўрнатиб бериш билан бирга 2 700 000 сўмни ташкил қилади.

Бизнинг манзилгоҳ: 732010, Термиз шаҳри, 5-микрорайон, 10-уй.

Телефонлар: (37622), 4-98-86, 4-48-45.


Телефакс: 4-98-87.

ДУОХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ҚАНЗУЛ ХУСАЙИН» КИТОБИ СОТИЛАДИ.

«Қитоби Қашмарий» ва «Қанзул Хусайин» китобларининг дуохони ўз манзилгоҳини бизга ёзиб юборишини илтимос қиламиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Октябрь ноҳияси, Ильич кўчаси, 28-уй. Транспорт: 46-автобуснинг «Лабзак» бекати. (7-шаҳар касалхонаси ёнида).



Кун тиғида ялтирайди,
Тувакчалар, сумкачалар.

Шу бешикда улғаяди,
Ўзбегойим, ўзбекчалар...

ТИЖОРАТ ДЎКОНИ: ИНСОФ БОРМИ?

Фарғона шаҳрида ўзини «Тижорат магазини» деб атаётган дўконлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетди. Дўкон кўпайса, маҳсулот сероб бўлади, рақобат пайдо бўлади, дегувчилар ҳам бор. Лекин ҳарқалай, ҳар нарсанинг тош-тарзиси, меъёри бор. Устига-устак тижорат дўконидаги уст-бошлар, зебу зийнатларнинг нархи «чақиб» олади. Бу ердаги буюмларни ҳар ким ҳам олавермайди. қурби етмаганидан кейин начора. «Туяни шамол учириб турган кезларда эчкининг ҳоли вой» дейилганидек барча қийинчилик меҳнаткаш гарданига тушяпти.

— Шаҳримизда ихтисоси бўйича, йўналишига кўра барча талабларга жавоб берадиган уч-тагина тижорат дўкони бор холос, — дейди Фарғон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Баҳриддин Бурхонов. — Ҳокимиятда тузилган махсус комиссия текширувидан маълум бўлишича, кичик корхоналар, фирмалар, айрим шахслар томонидан очилаётган воситачи-тижорат дўконларининг 70 фоизи рухсатсиз ишлаётган экан. Бу дўконлар ўзбошимчалик билан ўрнатилгани сабабли шаҳар ҳуснига «чипта ямоқ» бўлиб тушмоқда. Бундан буён эса бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарган ва четдан мол олиб келиб сотган тижоратчиларгина дўкон очишлари мумкин. Ҳокимиятнинг бу қарори гўшт дўконлари, кабобхона, лағмонхона ва бошқа умумий овқатланиш шохобачаларига ҳам тааллуқлидир. Буларнинг бебошлиги сабабли бозордаги нархнаво кўтарилиб кетмоқда. Муаммони ечиш мақсадида қайриқонуний ўрнатилган меъморчилик ва орасталик талабларига жавоб бермайдиган дўконларни ёпамиз.

Маъқул гап. Энди вилоятнинг Қўқон ва Марғилон каби йирик шаҳарларида ҳам ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормаётган «дўкондорлар»нинг «жилови» тортиб қўйипиши керак.

Р. КАМОЛОВ.

TEKNESS-INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар, Телефонлар, Телефакслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш тармоқлари, Ксероклар, Сканерлар, Дискеталар, Модемлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратларини

Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Улуг Ипак Йули хиёбони, 63

67-25-57, 67-05-86 FAX (371-2)-54-99-83

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФОЛАТ

«Наманганкоопстрой» бирлашмаси Наманган вилоятидаги давлат қурилиш ташкилотлари билан муносиб рақобатчи бўлиб қолди. Буюртмачининг қўлида қурилишни бошлаш ғоясидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган тақдирда ҳам янги бўлинма бу ишни ўз қўлига олмоқда. Кооператив қурувчилар қисқа муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб иншоотни тиклаш ишларини тез ва сифатли бажаришмоқда.

«Наманганкоопстрой» бирлашмасининг давлат ташкилотларидан фарқи шундаки, унинг бинокорлик материалларига фондлари йўқ, молиявий ёрдам ҳам олмайди. Бинокорлик материаллари ва бошқа ресурсларни етказиб берувчи ташкилотлар билан бевосита алоқа ўрнатилган.

(ЎзА мухбири).



Тошкент қандиллари.
В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«НИКА» КИЧИК КОРХОНАСИ

АЛЮМИН ВА РУҲДАН ИШЛАНГАН

30х12х6 АРК ТУРИДАГИ

СОВУҚ ВА ИССИҚЛАШТИРИЛГАН

АНГАРЛАРНИ ЎРНАТАДИ.

ТОШКЕНТДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР: 58-85-62, 34-15-35.

ҚЎП ТАРМОҚЛИ «ЗУҲРА» КООПЕРАТИВИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ЧЎЯН РАДИАТОР, ҲАР ХИЛ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

СОТАДИ

Айни вақтда буюртмачилар топшириғига қараб ҳар хил металл конструкциялар тайёрлаб беради.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 1-квартал, 33-а уй.

Алоқа телефонлари: 97-96-71, 97-64-88, Москвада (095 208116-77, 975-10-53.

БОЗОР НАРХИДАН АРЗОН

Ҳозирги тақчиллик ва қимматчилик даврида ҳам Ўзбекистонда минг қатла шукурки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча тўкинсочин бўлиб турибди. Бозорга катта умид билан кирган харидорни нарх-навонинг тобора ошиб бораётгани чўчитаётгани ҳеч кимга сир эмас.

— Шаҳар бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг беҳад ошиб кетмаслиги олдини олиш, бозор нархини ушлаб туриш мақсадида, — дейди республика кооператив мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бирлашмаси раиси Эгам Қурбонов. — Ҳар бир вилоятдан Тошкент шаҳрига кунига олма, анор, сабзи, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар ортган 15—20 машина пешма-пеш келиб турибди. Олой, Эски Жўва, Фарҳод бозорлари ва бошқаларда дўконларимиздан харидорлар бажону дил сархил маҳсулотлар харид қилишмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов шу йилнинг ўзида аҳолини қишда картошка билан узлуксиз таъминлаш учун бирлашмамизга бир миллиард сўм маблағ ажратди. Ҳозиргача 100 минг тоннадан зиёд картошка келтириб, қишга ғамлаб қўйдик. Асосан Россия ва Белорусь республикаларидан харид қилдик.

— Бу билангина кифояланмаяпмиз, — деб суҳбатга қўшилди раис муовини Олимжон Мамадалиев, — МДҲ мамлакатлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ бартер—мол айирбошлаш йўли билан пиёз, мева, сабзавот маҳсулотлари эвазига мўлжалдагидан беш баравар кўп картошкани заҳирага ғамлаб қўйдик.

— Қишда картошка нархи ошиб кетмасайди, деган харидор ҳавфсирашига қандай қарайсиз?

— Биз аҳолига ҳар килограмм картошкани 20 сўмдан ортиғига сотмаймиз, — деб қатъий жавоб беришди улар, — Тўғри, бундан ҳам арзонроғига сотиш мумкин эди, бироқ ўзингиз биласиз: ҳозир йўл, транспорт ва бошқа харажатлар бир неча баробар ошиб кетган. То магазинга олиб боргунча анчамунча харажатга тушяпмиз. Аммо бозор нархини ушлаб туриш учун бозорлар қошида ташкил этилган район ва хўжаликлар ҳамда хонадонлардан олиб келинган маҳсулотларни сотадиган дўконлар, яъни колхоз-совхоз дўконларини ўз ихтиёримизга олдик. Бу арзончиликка йўл очяпти. Масалан, Олой бозорида олманинг килоси 45—50 сўм бўлган пайтда дўконда 25 сўмдан ошмади. Бошқа маҳсулотлар ҳам шундай.

Республика аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун заҳирага ғамлаш йиллик режаси ҳам муваффақиятли бажарилди.

Бу борада бирлашма тайёрлов бошқармаси бошлиғи Миржамол Мирсодиқов шундай ҳикоя қилади:

— Биз бунга бутун йил бўйи пахта тайёргарлик кўрдик. Вилоятлардаги ташкилотларимиз ўз ташаббуслари билан жойларга боришиб, аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб келмоқдалар. Масалан, Тошкент вилояти кооператив-тайёрлов савдо бошқармаси Омск, Красногорск, Ижевск ва бошқа жойлардан маҳсулотлар келтиришди. Бошқа вилоятларда ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Қисқаси, агар ўтган йили ҳаммаси бўлиб 180 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва моддий-техника ресурслари ғамланган бўлса, бу йил бу миқдор бир миллиард 629 миллион сўмни ташкил этди.

Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, масалан, Андижонда вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев иштирокида заҳирага ғамлаш буйича семинар ўтказилган. Унда асосан бултурғига нисбатан кўпроқ маҳсулот ғамлаш учун халқ анъаналаридан кенг фойдаланиш тавсия этилган. Бошқа вилоятларда ҳам ташкилий ишлар пухта йўлга қўйилган. Деярли ҳамма бозорларда аҳолини сархил маҳсулотлар билан таъминлаш учун ярмаркалар ташкил этилган.

Суҳбатимиз сўнгида Сурхондарё вилояти тайёрлов корхоналаридан бирининг хизматчиси Равшан Чориев билан учрашдик.

— Актюбинск вилоятининг совхозлари — «Хлебодан» ва «Элек»ка бориб келдим, — деб сўз бошлади у. — 250 тонна картошка сотиб олдик. Энди Актюбинскка бормоқчимиз.

Хуллас, бирлашма аҳлининг ҳозир бош қашишга қўли тегмайдиган пайт.

И. ҲАМИДОВ.

АРОҒИНГИЗ БОРМИ, ОҒАЙНИ?

Қашқадарё дўконларида ароқ йўқ бўлиб қолганига бирикки ой бўлди. Ҳатто хўжалик магазинларида ҳам босилиб ётадиган бу матоҳ «нарх ошармиш» деган миш-мишлардан сўнг сирли равишда ғойиб бўлди. Бундан қашқадарёлик майхўрлар энди ичмай қўйибдида, деган ҳаёлга борманг. Ишонмасангиз вилоятдаги бирон кеккайганинг тўйига боринг, туйгунингизча ичиришади. Эрталаб бош оғриққа ароқ тополмасангиз, Қарши шаҳридаги истаган чойхона ёки ошхонага кириб 300 сўм узатсангиз, «бўйни узуни»дан топиб беришади. «Ишбилармонлар» даври келгани шу бўлса керак-да.

А. ТАЙПАТОВ.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Мирзо Улуғбек ноҳия қўмитаси Американинг «Форд» янги автомобилларини харид этмоқчи бўлган ташкилотлар ва хусусий шахслардан тижорат буюртмаларини қабул қилмоқда

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда



"ЮЛДУЗ"

ЁШЛАР КИЧИК КОРХОНАСИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 59-уй.

Телефон: 32 - 38 — 53

• *Муштарий мулоҳазаси* •

БОРИ ЯХШИ, ЛЕКИН...

Мустақиллик, истиқлол шарофати билан қўшни давлатларга ҳам зиёрат, ҳам тижорат иши билан кўплаб ҳамюртларимиз бориб келмоқда. Бу албатта, яхши. Аммо бир нарса мени ташвишлантиради. Дейлик, дўкондан рўзғорга керакли нарсани харид қилиб, уйимизга олиб келдик. Уни қайтариб ҳеч бозорда сотганмизми? Йўқ. Халқимизнинг яхши бир ўгити бор. Киши бошидаги дўпписини, эгнидаги уст-бошини ҳеч қачон сотмайди. Давлатинг орқага кетади дейди. Бу ҳақ гап. Оҳори тўкилган ёки тор келиб қолган уст-бош маҳалладаги ночор, қўли қисқа одамларга берилади.

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Касби ҳам, топиш-тутиши ҳам яхши. У машинасининг орқа ўриндиғига бир нечта фотоаппарат, ялтироқ қошиқ, яна рўзғорда ишлатиладиган электр асбоб-анжомларини ташлаб қўйибди.

— Ҳа, тўй тараддудими?— деб сўрадим ундан.

— Йўқ, чет элга кетяпман, — деди у, — мана шу нарсалар чет элда фалон пул эмиш. Ўрнига «товар» олиб келаман.

Ҳозир қайси тижорат дўконига кирманг, хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўрасиз. Албатта, бугунги иқтисодий тақчиллик пайтида, четдан қанча мол-дий бойликлар келтирилса, тақчиллик ҳам бироз юмшай ди. Қимматроқ бўлса ҳам бори яхши.

Аммо ташқаридан келтирилаётган моллар ниманинг ҳисобига олиб келинмоқда. Агар пинҳоний иқтисодиёт билан шуғулланмай, ҳалоллик билан валюта ишлаб топиб, чет элдан йўнмаганни йўндириб келаётган ишбилармонлар бўлса, отасига раҳмат! Аммо бунинг уддасидан чиқолмайдиган, айрим нўноқ «савдогар»лар «ёмон даллол ёнидан» деганидек, ўз хонадонимиз — мамлакатимизда ниҳоятда тақчил бўлиб турган молларни четда пуллаш учун ташиб кетаётганлигини қандай баҳолаш мумкин. Ахир бу ноёб молларнинг ҳар бири мамлакатимизга четдан қанчадан-қанча пешона тери, валюта ҳисобига келтирилаяпти-ку!

Неча умрида бир марта ҳам қўлига фотоаппарат ушламаган, дурбин орқали она табиатимиз уфқларига боқмаган кишилар бугун бозорларда чет элда пулга чақса бўладиган молларни сотиб олмоқдалар. Улар Ватанимизнинг бойликлари бўлган, халқимиз яратган бу маҳсулотларни четга ўтказиш ҳисобига «ишбилармонлик»ни қойиллатишяпти. Наҳотки, Ўзбекистонимиз бедарвоза бўлса?!

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ.



Келдик мана бозорга
Томошага улгуриб.

Бир хўрозни — бир хўроз
«Карате» қилар қийқириб!..

ГИЛАМ ТЎҚИЙДИГАН СТАНОК ЯРАТИЛДИ

● Вилоят енгил саноат илмий техника жамиятига қарашли тажриба участкаси мутахассислари гилам тўқиш дастгоҳининг такомиллашган конструкциясини яратдилар.

Эндиликда жамият қошида янги ускунани ўрнатиб, цех очиш кўзда тутилмоқда.

— Биз гилам тўқишдаги эски ота-боболаримиз анъаналарини тиклашга қарор қилдик, — дейди жамият раиси Ҳ. Юсупов. — Ҳозир ижодкорларимиз маҳсулотнинг нафис ва юксак сифатли нусхаларини яратиш борасида иш олиб боришяпти.

СПИРТ ҲАМ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

● Наманган вино заводида 96 градусли тоза спирт олиш йўлга қўйилди. Илгари бундай хом ашё фақат Россия корхоналаридан келтириларди.

— Энди бир қисм хом ашёни ўзимизда тайёрлаш имконига эга бўлдик, — дейди завод директори Ш. Мамажонов. — Мутахассисларимизнинг изланишлари туфайли давлат хўжаликлари ва фуқаролардан сотиб олинган узумдан спирт олиш технологияси ўзлаштирилди.

Қисқа вақт ичида корхонада 450 тоннадан зиёд ана шундай хом ашё тайёрланди. Тўғри, бу ҳали завод талабини қондиришга етмайди. Бироқ корхонада спирт тайёрлаш цехи иш бошлагач, хом ашёга маблағ сарфлаш кескин камайди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

"ОҚИЛ ЛТД" ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

OkiL
PRODUCT TRADE COMPANY

МДҲдаги ЭНГ ПАСТ НАРХЛАРДА КОНТРАКТ АСОСИДА БОЛГАРИЯ СИГАРЕТАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ:

(ДОЛЛАРДА)

фильтрли «Родопи»—0,14
«ТУ—134» 0,13
«АРДА» 0,12
фильтрсиз «РАЛИ» 0,11
«РОДОПИ» 0,10
«СОЛНЦЕ» 0,10
«ЯНТРА» 0,095
«ДУНЕВ» 0,095

йиллик 70% ҳисобида қарз оламиз.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ — 14-28 КУН.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТИ— СИF ТОШКЕНТ ш.

Тошкентдаги телефонлар: 35-24-56, 34-73-94.

Нақдсиз валюта сотиб оламиз.

ХЎЖАСИЗЛИК УРФОНИ— ТАРАҚҚИЁТ ТЎҒОНИ

ЁКИ НЕГА ҚИММАТБАҲО ТЕХНИКА ЎЛИК ҲОЛДА?

• *Прокурор минбари*

Бугунги кунда республикамиз корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва ускуналарининг қарийб 40 фоизи маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Масалан, 1992 йилнинг биринчи ярмида савдога келаётган молларнинг 30 миллион сўмдан кўпроғи сифатсиз ва ностандарт бўлганлиги туфайли сотувга чиқарилмади. Ёки-бошқача айтганда, текширувдан ўтказилган тайёр кийимларнинг 70 фоизи, тўқилган буюмларнинг 81 фоизи чарм пойабзалларнинг 66, матоларнинг 29, қандолат-ширинликларнинг 63, мевасабзавот консерваларининг 55, ўсимлик мойининг 42 фоизи ва бошқа турдаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифатсиз ва ностандарт эканлиги аниқланди. Ва ҳатто республиканинг йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам талабга тўла жавоб бермайди. Шунончи, йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган ва савдо ташкилотларига юборилган маҳсулотларнинг 87 фоизи сифатсиз эканлиги маълум бўлди. Бу маҳсулотларнинг асосий қисми «Ташхимсельмаш», «Ташэлектромаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» ва Ленинск шаҳар прицеплар заводлари чекига тўғри келади.

Ана шундай бир шароитда республика саноат корхоналарига катта валюта маблағ ҳисобига келтирилган қимматбаҳо ишлаб чиқариш техникаларининг ҳали-ҳануз ўрнатилмай қолиб кетаётгани ўта ачинарли ҳолдир. Борган сайин уларнинг миқдори камайиши ўрнига 24 фоизга кўпайиб кетди. Республика давлат статистикаси қўмитаси маълумотига кўра, ўрнатилмай занглаб ётган ускуналарнинг нархи 155,8 миллион сўмдан ошиқ экан.

Ўзбекистон енгил саноати қўшмаси корхоналари омборларида 26,7 миллион, Алоқа вазирлиги хўжаликларида 24,2 миллион, Қишлоқ хўжалик вазирлиги хўжаликларида 19,8 миллион сўмлик ҳар хил ноёб ускуна ва ишлаб чиқариш техникаси ишга туширилмай, айримлари хўжасизлик билан сақланиш оқибатида талон-торож қилинмоқда ва яроқсиз аҳволга келмоқда.

Афсуски, бундай аҳвол халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд. Жумладан, Самарқанд консерва заводида 1989 йилда ўрнатилган 24 миллион сўмлик ускуналар ҳанузгача ишга туширилмаган. «Самарқандхимстрой» бошқармаси қарамоғига 1984 йилда келтирилган 81,5 минг сўмлик ноёб ускуналар фойдаланмай ташлаб қўйилибди. Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўрнатилмай турган ускуналарни сақлашга бепарволик билан қаралиши оқибатида Германиядан келтирилган 3600 сўмлик 2 та двигатель ўғирланган, копларни тикувчи аппаратларнинг қисмлари талон-торож қилинган.

Катта маблағ сарфланиб, республикамиз корхоналарига келтирилган техника, ускуна ва жиҳозлар барча вилоятларда кўплаб фойдаланилмай, хўжасизлик билан сақланиб келинмоқда. Фарғона вилояти хўжаликларида 4,3 миллион сўмлик ишлаб чиқариш воситалари ишга туширилмаган. Сирдарё вилоятида эса 1990 йилга нисбатан бундай жиҳозлар миқдори 18 фоизга кўпайиб, 5,4 миллион сўмга етган.

Бу техникалар ишга туширилиб, улардан халқ хўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳоли учун кенг истеъмол моллари тайёрлаш йўлга қўйилса, иқтисодий тараққиётимиз жадаллашишига бирмунча ҳисса қўшилган бўлар эди. Афсуски, бундай қимматбаҳо аммо «ўлик» техника ойлаб очиқ ҳавода занглаб ётибди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар айрим корхоналарда, ҳаттоки, ҳисоб-китобдан яширилиб қўйилган ускуна ва жиҳозлар ҳам мавжудлигини очиб ташлади. Масалан, Сирдарё вилояти электр тармоқлари, бошқармасида 520,3 минг сўмлик, Тошкент вилояти Янгийўл районидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмасида 25,4 минг сўмлик ана шундай ускуналар мавжудли ги аниқланди. Бу хўжасизлик, бепарволик ва интизомсизликлар билан асло келишиб бўлмайди.

Республика прокуратура органлари томонидан ўтказилган кенг қамровли текширишларда 50 дан ортиқ хўжалик раҳбарлари бу борадаги қонун талабларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расмий огоҳлантирилдилар, улардан қонун бузилишнинг олдини олиш талаб этилиб, 20 дан ортиқ амрнома берилди, айбдор шахслардан етказилган зарарнинг 70 минг сўмдан ортиғи ундириб олинди. Прокуратура томонидан Хоразм вилояти Боғот нон маҳсулотлари комбинати директори А. Якубов расмий равишда огоҳлантирилди. У раҳбарлик қилган комбинатда 1988 йил декабрь ойида Германиядан келтирилган 20,8 минг сўмлик ноёб ускуналар ўрнатилмасдан, ҳанузгача қаровсиз ташлаб қўйилган. 1989 йилда Бухоро вилоятининг Жондор районидаги М. Таробий номли жамоа хўжалиги сутговар фермасига келтирилган 164,5 минг сўмлик емхашакни қайта ишловчи асбоб-ускуналар хўжалик раиси Г. Қурбонов ва бош муҳандис С. Ражабовнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида ҳозиргача ўрнатилмай, фойдаланмай қолиб келмоқда. Фарғона вилояти Ўзбекистон районлари прокурори консерва заводида 1985 йилдан буён ўрнатилмаган «Т9—КОВ» маркали сепаратор ва 1983 йилдан буён ўрнатилмаган гомогенераторларнинг хўжасизлик билан сақланиши оқибатида яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини аниқлаб, моддий зарарни ундириб олиш учун айбдорларни судга берди.

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Прокурорлар аниқлаган хўжасизликларга барҳам бериш чораларини кўрмоқдалар. Бир қисм ускуналар қайта тақсимланиб, улардан халқ хўжалигида унумли фойдаланишга йўналтирилган тадбирлар кўрилишга эришилмоқда.

Лекин қачонгача қонун кучи ёки прокурор «таёғи» билан ишлаш мумкин?

Вали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

• ЁДНОМА •



Москов тўқиб чиқарган, «Пахта иши» ҳамда «Ўзбеклар иши» деб аталган тавқи ланъат, Гдлян ва Ивановчилар гуруҳи, уларни оғишмай қўллаб-қувватлаган, машъум марказ «марҳамати» билан жўнатилган «рус оғамиз»нинг неча юзлаб вакиллари — «XVI пленумдан кейин махсус танлаб жўнатилган «кадр»лар томонидан аъло даражада уддаланган талончилик, чиндан ҳам, катта бир халқнинг тинкамадорини қуритиб юбораёзди. Биз биринчи навбатда энг олий эшелондаги раҳбарлардан — вилоятлар, шаҳарлар, ноҳиялар ишбошларидан, собиқ партия қўмиталарининг биринчи котибларидан кейин бирибиридан қуйи бўғинлардаги малакали кадрларимиздан бирин-кетин жудо бўлдик. Ш. Р. Рашидов вафотидан кейинги «Марказкўм» ҳам, ундан кейинги раҳбарият ҳам Москванинг, Гдлян ва Ивановларнинг қонунбузарлигига, адолатсизлигига, қурук ва асоссиз туҳматларига қарши норозилик билдираолмади, аксинча уларнинг тегирмонига сув қуйиб турди. «XVI пленум» ижодкори ўзи кенг йўл очиб берган «тузоқ»дан, халқ нафратидан қутила олмади, бошқа бири Горбачев қўлтиғидан паноҳ топиб, қочиб қутилди.

Ўзбекистон бошига Москвадан бало-қазо ёпирилиб келаётгани тарихимизга қора ҳарфлар билан ёзилган ва сотқинлик йўлини тутган ўша жирканч «XVI пленум»дан кейин сира ҳам сир бўлмай қолгач эди. Пойтахт ўша пайтдаги вилоятлар партия қўмиталарининг деярлик барча биринчи котибларига «ўз аризаларига кўра» пенсияга чиқишини «маслаҳат» берди. Бу — уларнинг Гдлян ва Ивановлар гуруҳига «хат»лаб, қўллари кўринмас ип билан боғлаб топширилгани эди. Гдлян учун ана шундай «муҳим ўлжа»лардан бири Рўзимат Ғойибов бўлди.

У оиласи билан Қаршидан Урганчга кўчиб келгач (бу 1984 йил охирларида бўлган эди), ўз уйида, рухсатсиз узоққа чиқмаслик шарти билан, тўғрисини айтганда, тутқунликда сақланди. Рўзимат ака жумҳурият бўйлаб кезаётган балоқазонинг даҳшатдан бошқа нарса эмаслигини, янги «марказкўм»нинг ўз жонини омон сақлаш пайига тушиб қолганини яхши билар, юракдан ҳис этарди. Бир кунмас-бир кун Гдлянчиларнинг ҳам «ташриф» буюриб, уни олдига солиб кетиш мақсадида келишини ҳам аён тасаввур қиларди.

Ўша мудҳиш кун ниҳоят, келди. Бу — 1985 йилнинг 25 марти бўлиб, соат эрталабки тўққизлар чамаси эди. Бирга яшаётган ўғиллари Озод Рўзиматов (ўшанда вилоят телевидение ва радиоэшиттириш комитети раиси) ҳам, Одилбек ҳам ишга жўнаб кетишган, Ёркиной эса, энди тараддудланаётган эди. Ўртоғи Ёқутжон опанинг эса кўзи кўрмасди. Улар кечаси билан сабзи майдалаб, сузма ош учун харажатларни тайёрлаб чиқишган, ўша куни худойи қилиб, эл олдидан ўтишмоқчи эди.

Дарвоза олдига бирин-кетин уч-тўртта милиция машинаси келиб тўхтадию, ундан зудлик билан тушиб, дарвозани шахд очганча ичкарига Гдлян бошлиқ беш-олти нафар киши кириб келди. Рўзимат ака ҳам, Ёқутжон опа ҳам, ишга кетишга ҳозирланаётган Ёркиной ҳам осмондан тушганларни кўриб, уларнинг бу «ташрифи»дан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Гдлян Рўзимат акага улар билан бирга юришни таклиф этди. «Тамом. — деган фикр ўтди Рўзимат аканинг ҳаёлидан. — Энди омон қўйишмайди булар».

Гдлянчилар айвонда туришар, Рўзимат аканинг шахсий ётоқхонасига ҳам ана шу «тераска»дан киришарди. У кийиниб чиқишга рухсат сўради. Гдлян «майли» ишорасини қилгач, ичкарига кирдию яна қайтиб чиқди. «Қайси кўйлакни кийсам экан?» деб сўради турмуш ўртоғидан. «Хоҳлаганингизни кийинг, ҳаммаси ювиб, дазмолланган қўйилган, деди Ёқутжон опа. Гдлян заҳархандалик билан кулди. «Қайси кўйлакни кийганингдаям, энди барибир эмасми?», «Тўғри айтасан» деди Рўзимат ака ва тағин ётоқхонасига кириб кетди.

Кўп ўтмай... ичкаридан хириллаган, бўғиқ овоз эшитилди. Рўзимат Ғойибов аллақачон бўғзига пичоқ тортиб юборишга улгурган, пастга қулаганча типирчилаб, қонга беланиб ётарди. Ичкарига «шошиб» кирган Гдлян юз берган хунук бу фожеадан ҳангуманг бўлиб қолган, хонага ўқдай отилиб кириб чиққан Ёркиной «Тез ёрдам» чақирингларга дейишига қарамай, Рўзимат Ғойибовни қўлга олгани келган гуруҳ (улар орасида хоразмлик бир неча орган ходими ҳам бор эди) мик этмас, Ёркинойнинг қўли эса телефон гардишини теролмай, ҳавода муаллақ титрарди. Йўқ, барибир, биринчи бўлиб Гдляннинг топшириғига биноан милицияга — зудлик билан таянч куч юбориш сўраб қўнғироқ қилинди. Кўз очиб-юмганча бўлмай ҳовли милицияга тўлиб кетди. Кейин.., «Тез ёрдам»га сим қоқишди. Рўзимат Ғойибов ўша куниёқ чошгоҳга қолмай шифохонада жон берди. Унинг кўзларида заҳарханда бир нафрат тошдай қотиб қолган эди...

У нега бундай қилди? Нега Гдлян наздида «ашаддий жиноятчи» деб ҳисобланган Рўзимат Ғойибовнинг қўлига ҳовлига кирибоқ кишан солинмади? Ахир, Гдлян уни қўлга олиш учун энг тажрибали, «бундайларни кўп кўрган» ходим сифатида юборилган эди-ку? Наҳотки, шундай пихини ёрган қаллоб ҳам «ғафлат»да қолган бўлса? Мен бу фожиа ҳақида фикр юритсам ҳамиша «Гдлян Рўзимат Ғойибовга ўзини ўзи ҳалок этиш учун шароит яратиб бермаганмикан?» деган хаёлга бораверaман. Уни ўз қўли билан гумдон қилишни ўша пайтда юқори органларда олий мансабларни эгаллаб ўтирган «келгинди кадр»лар таклиф этишмаганмикин?

Ўша йилнинг ёзида Тошкентда жумҳурият оммавий ахборот воситалари вакилларининг вилоятлардаги мухбирлари иштирокида ўтказилган, қарийб бир ҳафта давом этган семинар-кенгашда биз «XVI пленум» руҳи билан суғорилган турли маърузалар, суҳбатлар тингладик. Уларни ўша пайтдаги Марказкўмнинг бўлим бошлиқлари, турли вазирликларнинг ходимлари, айрим мутахассислар ўтказишди. Семинар-кенгашнинг сўнгги куни жумҳурият прокурори Бутурлин билан учрашув бўлиб ўтди. Мен унга шундай деб савол бердим:

— Сизга маълумки, Рўзимат Ғойибовни ҳибсга олиш учун Урганчга борган кишилар Иттифоқ прокуратурасининг энг тажрибали вакиллари эди. Нега улар Ғойибовнинг ҳаётини сақлаб қолишаолмади?

Бутурлин кўзимга сеҳргарона бир нигоҳ билан узоқ тикилиб турди. Сўнг, ниҳоят, шундай деб жавоб берди:

— Тўғри, сақлаб қолиш лозим эди, лекин ўшанда «қўлга олиш гуруҳи» миллий меҳмоннавозлик кайфиятига берилиб, чуқур хато қилишган. Бу хатоси учун улар органдан четлаштирилди.

Нақадар ёлғон, нақадар разил жавоб. Жумҳурият прокурори-ки, бу воқеани шундай деб шарҳлаганидан кейин, энди кимга ишониш мумкин? Хўш, ўшанда журналистларни айдаш, уларга ёлғон ахборот бериш нима учун зарур бўлиб қолди? Ахир, Ғойибовни қўлга олишга Гдляннинг ўзи бош-қош бўлган ва у ўша куни меҳмондорчиликка бормаган эди-ку? У ғафлатда қолгани учун ҳеч ҳам ишдан четлаштирилмади. Қайтага зуғумини авж олдирди. Бутурлин эса журналистлар кўзига уялмай-нетмай қараб, уларни разиллик билан алдади.

Марҳум Рўзимат Ғойибов хонадони, унинг фарзандларию яқин қариндош-уруғлари бошига бирин-кетин тушган хўрланиш ва таҳқирланишларни қаламга олишга юрак дов бермайди. 1985 йилнинг 22 октябрида унинг Тошкентда яшаётган учувчи ўғли Арслон Ғойибовни, эртасига Одилбек Ғойибовни қамоққа олишди. Ундан олдин ёш санъаткор Даврон Ғойибовга бўхтон ва туҳматлар уюштирилиб, ўшанда ҳам юқоридан кимнингдир (?) зуғуми билан ўн уч йил муддатга кесилган эди. Суд жараёнида «жабрланган» деб ҳисобланган барча гувоҳлар Даврон ҳимоясида туриб, кўрилаётган ишга қўйилган айблар ғайри-қонуний эканлигини таъкидлашса-да, бу кўрсатмалар инобатга олинмади, адолатнинг қаноти қайрилди. Лекин, барибир синмади. Ҳақ ўрнида қарор топиб, 1989 йилнинг июнида Одилбек, август ойида Арслон, ноябрь ойида эса Даврон биринкетин Гдлян исканжасидан қутулиб қайтишди.

...Рўзимат Ғойибов вафотидан кейин олти-етти ойлар чамаси ўтгач, эрта тонгдан унинг хонадони, бир вақтнинг ўзида барча қариндош-уруғларининг уйлари орган ходимлари томонидан қуршаб олиниб, катта миқдорда пул, олтин, қимматбаҳо заргарлик буюмлари излаб, ағдар-тўнтар қилинганини, кичкинагина ҳовли-боғ бир неча метр чуқурликда ковлаб ташланганлигини айтмайсизми? Гдлян ҳеч вақо топаолмай қанчалар изтиробга тушганини тасаввур қилаолясизми? Ўша даҳшатли кунларда на болаларини мактабга, на катталарни ишга юборишди, на ташқаридан келган таниш-билишни ичкарига киритишди? Бундай хўрлаш қарийб бир ҳафта давом этди.

Ҳа, бу авлод фожеасида шахсан Гдлянниинг қонли панжалари изи бор. Рўзимат Ғойибовнинг катта фарзанди, талантли журналист ва ғоят ҳалол, биллурдай соф Озод Рўзиматовнинг ота ва оға-инилар бошига тушган адолатсизликлар, туҳматлар, бераҳмларча қийноқлардан асабийлашиши оқибатида тузалмас дардга чалиниб, оламдан бевақт кўз юмганида ҳам Гдляннинг бевосита ва билвосита иштироки бор. Бу йўқотишларга, жабр-зулмларга чидамай, 1991 йилнинг 7 сентябрида армон ва ҳасрат-надомат билан оламдан ўтган Ёқутжон опа вафотида ҳам, шубҳасиз, жаллод Гдляннинг қонли панжаси излари бор.

Қабрлар оралиғида мўъжаз ва оддийгина қилиб қурилган, кўпчилигидан сира ҳам фарқ қилмайдиган бир мозор бор. Унда жумҳуриятимизга, хусусан, умрининг сўнгги ўн етти йили давомида Қашқадарё вилоятига меҳнати сингган, эл иззат-эҳтиромига сазовор бўлган, Хоразмнинг асл фарзандларидан бири абадий уйқуда ётибди. У Рўзимат ака Ғойибовдир. Унинг номи, азиз хотираси абадийлаштиришга жуда-жуда муносиб...

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ХОРАЗМНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Урта Шаҳрихон матлубот жамияти меҳнат жамоасининг ташаббуси билан янги тикув ва тўқув цехлари қурилиб ишга туширилди. Етмиш нафарга яқин қиз-жувон халқ истеъмоли молларини тайёрлашга киришди.

Бугина эмас. Қишлоқ савдо ходимлари аҳоли истак-талабларини ҳисобга олган ҳолда савдо ва пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этмоқдалар. Шу мақсадда бешта қишлоқда турли моллар билан савдо қилувчи дўкон, универсам ва бошқа савдо-сотиқ шохобчалари очилди.

Қишлоқ меҳнатчилари билан мулоқотда кўпчилик онлаларда меъёри билан берилаётган ун маҳсулотлари етишмаётгани аниқланди. Аммо аҳолининг кўпчилиги ўз томорқасига буғдой, макка-жўхори экган, донн бор. Матлуботчилар олтин олма, савоб ол нақлига амал қилмоқдалар.

ХОРАЗМ БИРЖАСИ

«Хоразм минтақаларо товар биржаси» акционерлик жамиятини таништириш маросими ва дастлабки савдо бўлиб ўтди. Бу жамият республика Адлия вазирлигида расмий равишда рўйхатга олинди.

Дастлабки савдога 300 миллион сўмлик мол чиқарилди. Савдо қатнашчиларининг тажрибаси камлиги сабабли аввалига тижоратнинг суст ўтиши кутилаётган эди. Ҳарқалай 20 миллион сўмлик битим тузилди.

— Хоразмликлар азалдан омилкор одамлардир, — дейди биржа раиси Ҳ. Йўлдошев. — Вилоятимиз Оролбўйидаги минтақаларини бир-бирига боғлаб турган савдо бўғини бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Биржа муассислари орасида фақат Хоразмгина эмас, Туркманистоннинг Дашховуз (собиқ Тошҳовуз) вилояти ва Қорақалпоғистоннинг етакчи корхоналари ва ташкилотлари ҳам бор. «Южнефтпрод» Қозоғистон бирлашмасининг фирмалари ҳам Хоразм биржасида брокерлик идоралари очди.

Биржа, шубҳасиз, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ерда ҳар ҳафтада савдо уюштирилади.

(ЎзА мухбирлари).

ЭЪЛОНЛАР

Буюртмачи материалидан кафел ёпиштираман.

Телефон: 67-34-04.

* * *

«Иж-комби»ни марказдаги ёки метро линиясидаги квартирага алмаштираман.

Телефон: 34-63-33.

* * *

Тошкентдаги хусусийлаштирилган икки хоналик квартиранн ГАЗ, УАЗ, МАЗ, КамАЗ машинасига алмаштираман.

Телефон: 55-86-40.


БОЛАЛИ УЙ–БОЗОР



Дўпписида булут парқув,
Дўппи остида соччаси.
Бу йигитча ким деманг, бу —
Мустақил юрт «бойваччаси!..»



Қаранг, кокилим гажаги,
Шоҳимардонларнинг сойи.
Мен юртимнинг келажаги,
Мен онамнинг эркатойи!..



«Оғайнилар, Сизга этсам,
Ҳали тишсиз боламан мен.
Туриб кетсам, юриб кетсам,
Тижоратчи бўламан мен!..»

Муҳаммад ЮСУФ шеърлари.

БИЛДИРУВЛАР

АЛМАШТИРАМАН

Чилонзор-11 даги 2 хонали квартирани уч хонали ёки тўрт хонали квартирага.
Телефон: 75-82-73.

* * *

Сирғалидаги икки хоналик квартирани (иккинчи қават, ғиштли уй) иккита бир хонали квартирага.
Телефон: 57-25-83, 74-21-75.

* * *

Сирғали-2даги уч хоналик квартирани икки хоналик ёки бир хоналик марказий районлардаги квартираларга.
Телефон: 58-45-17.

* * *

Алгоритмдаги икки хоналик квартира ва Ўрикзор районидаги 7 сотихлик участкани уч хоналик квартирага.
Телефон: (хизмат) 50-83-37.

* * *

«Халқлар дўстлиги» метро бекатида жойлашган икки хоналик квартирани уч хоналик ёки тўрт хоналик квартирага ёхуд коттежга.
Телефон: 45-04-76.

СОТИБ ОЛАМАН

Марказдаги квартира.
Телефон: 21-29-15.

* * *

Гараж
Телефон: 39-10-50. Темур.

* * *

Ярим жун ва жун ип. Миқдори ва нархи келишув асосида.
Телефон: 91-57-61.

СОТИЛАДИ

Ёрдамчи хўжалик.
Телефон: 54-44-86.

* * *

«Заря» пианиноси, хорижий видеомагнитафон, телевизор.
Телефон: 75-70-97.

* * *

«Темп»-714 рангли телевизори, қўл тикув машинаси.
Телефон: 97-57-90.

БИР ПУДЛИ ЛАВЛАГИ

Пахтакор туманидаги Ульянов номли давлат хўжалиги звено бошлиғи Ҳасан Норбоев бу йил лавлагидан мўл ҳосил етиштирди. У ўн беш гектар майдондан режадаги 400 тонна ўрнига минг тонна хашаки лавлаги йиғиштириб олди. Қувончлиси шундаки, ҳар битта лавлаги 10—15 килограмм тош босди.

— Бахтимиз бор экан, лавлаги бу йил жуда бўлиб берди, — дейди звено бошлиғи. — Энди қишда чорвамиз толиқиб қолмайди.

Й. ЖЎРАЕВ.
ЎзА мухбири.
Жиззах вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Интералоқа» республика бирлашмаси







1992 йил 4-7 декабрь кунлари соат 10.00 дан бошлаб Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 107-уйда жойлашган УЗЭКСПОЦЕНТР (эски ХХЮК) кинолекторийсида Жанубий Кореянинг ДЭУ компаниясида ишлаб чиқарилган енгил ва мўъжаз юк автомобилларининг ким ошди савдоси (аукцион) олдидан кўргазмаси ўтказилишини маълум қилади.

Ташкилий қўмита манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов райони, Себзор даҳаси, 1-уй.

Маълумот учун телефонлар: 40-50-02, 40-19-26, 40-37-77.

Ташкилий қўмита иш вақти ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.

«ТИКО»УЧ МОДИФИКАЦИЯЛИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 143 километр
— беш ўринли
— ёнилғи сарфи 100 километрига 4,2 литр

«ДАМАС» УЧ МОДИФИКАЦИЯЛИ МИКРО АВТОБУСИ

— етти ўринли
— энг юқори тезлиги соатига 115 километр

«ЛАБО» ИККИ МОДИФИКАЦИЯЛИ МЎЪЖАЗ ЮК АВТОМОБИЛИ

— 550 килограмм юк кўтара олади
— энг юқори тезлиги соатига 100 километр
— узунлиги 3235 мм
— эни 1400 мм
— бўйи 1800 мм.

Барча турдаги автомобиллар учун бир йиллик техник хизмат кўрсатиш кафолатланади.

• Шундай одамлар бор бўлсин

Хорижлик меҳмон олдига нон ўрнига туз билан пешвоз чиқамиз. Ё дастурхонимизда аввало нон бизнинг юрагимиз, самимий туйғуларимиз меҳвари ва қолаверса тантилигимиз ифодаси. Лекин бугунгача худди шу азиз неъмат яратувчилар ҳақида ўйламадик, уларнинг машаққати-ю «иссиқ-совуғи» бизда бегона эди. Не ажабки, энди сезаяпмиз, истиқлолимиз, эртанги кунимиз, нонимиз, дон-дунимиз борлиги ғалламиз кўплигига боғлиқ экан.

Қувондиқ Бердиёров — умри ғаллазорда ўтган ишбилармон раҳбар. «Ғаллаорол» давлат хўжалиги директори. Туман ҳокимининг ўринбосари Усмон ака Тожиевнинг айтишича, уни қолоқ хўжаликка ишга қўйишган экан. Қисқа фурсат ичида хўжаликни миллионерлар сафига олиб чиқибди.

— Уни идорасидан тополмайсизлар, — деди Усмон ака. — Яхшиси, совхозга борайлик.

Чиндан ҳам у кишини далада учратдик, кузги шудгорлаш ишларини кўздан кечираётган экан. Суҳбатимиз бирпасда қовушиб кетди.

— Илгари 15 минг 123 гектар майдонга ғалла экар, ҳосилдорлик ўртача 10—11 центнер атрофида эди. Бу йил эса режадаги 15052 тонна ўрнига 18969 тонна ғалла йиғиб олдик, режа 126 фоизга ортиғи билан адо этилди. Шунинг 12472 тоннасини буғдой, 6309 тоннасини арпа, 187 тоннасини нўхат ташкил этади. Бу ўзўзидан бўлади дейсизми? Асло. Тағин шу орада Президентимизнинг ғалла харид нархини ошириш, ҳар бир хўжалик ўзи етиштирган ғалланинг 15 фоизини режадан ортиғининг ҳаммасини ўзи сотиши ҳақидаги фармонлари чиқди. Бу бизга катта қувват берди. Йил ўн икки ой дала кезиб офтобда қорайган, елкасининг яғири чиққан ғаллакорлар ҳозирга қадар ўз меҳнатининг ҳақиқий баҳосини билмас эди. Қора қозоннинг қайнаб турганига шукур қилар, ўйлагани меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат эди. Ғалланинг таннархи оширилиши натижасида хўжалигимиз бу йил 33 миллион тоннага яқин фойда кўрди. Бу кўрсаткич ўтган йилги ҳосилдан 27 миллион 782 минг сўм кўп, демакдир.

Очиғи, энди илгаригидек жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ўтириб ҳал қилиш мумкин эмас. Қишлоқларимиздаги ҳақиқий аҳвол истаймизми-йўқми, елкамиздаги оғир юклардан бири. Буни ҳар қандай раҳбар, халқ ноиблари билан бирга бамаслаҳат бир ёқадан бош чиқариб ҳал этмаса бўлмайди. Фақат шу йўл билан одамларнинг қўллаб-қувватлашишига эришиш мумкин. Шу хўжаликка раҳбар бўлганимданоқ одамлар билан юзма-юз гаплашдим. Ҳар ким ўз дардини айтди. Ҳаммага қулоқ солиб барча шикоятларни ёзиб олдим. Аксар қишлоқларда водопровод, газ шифохона, савдо, шохобчалари йўқ эди. Биз бу талабларни бажариш учун чинакамига бел боғладик. Хўжалик марказидан беш юз ўринлик касалхона қурдик. Аксарият хонадону ҳовлиларга газ, сув қувурлари ўтказилди. Хўжалик марказидаги тоғ шабадаси эсиб турғувчи ҳушманзара жойни меҳмонхонага айлантирдик. Президентимиз Фармонларига мувофиқ минг гектар ерни одамларга уй-жой, қўшимча томорқа учун ажратдик. Ер олганларни зарур техника, уруғлик, ёш моллар ва ем-хашак билан таъминладик. Бу нарсалар аҳолини руҳлантиради.

— Қувондиқ ака, маълумки, ҳозир баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги сезиляпти. Айниқса ёғ, ун муаммоси. Чунки шу пайтгача унни, ёғ маҳсулотларини Саратовдан, Россиянинг кўпгина вилоятларидан келтирардик. Ҳатто ўзимиз пахта етиштириб бир парча газлама деб Москвага мўлтираб ўтирардик.

Ота-боболаримиз қандай ёр. рибди. Элимиз севиб истеъмол қиладиган зиғир ёғи, тегирмон уни баҳоли қудрат дастурхонимизни безаб турибди. Келаси йил насиб этса зиғирни кўпроқ жойга экамиз. Бу йил ҳам зиғир ҳосили ёмон бўлмади, режадаги 50 тонна ўрнига 136 тонна ҳосил олдик, режа эса 272 фоизга ортиғи билан уддаланди.

— Чет эл ишбилармонлари билан савдо-сотиқ ишлари қандай йўлга қўйиляпти?

— Кўпчилик Ғаллаоролда ғалладан бошқа нарса йўқ, деб ўйлайди. Асло ундай эмас. Ғаллаоролликларнинг қўли гул, чевар қизлари-ю, ишбилармон чорвадорлари кўп. Лоладек ял-ял товланувчи гўзал гиламлари билан жаҳонга машҳурлиги ҳам шундан. Фақат кўпчилик гиламларни уйида тўқийди. Биз шуни корхона типида кўпроқ ишлаб чиқаришга уриндик. Натижада гилам, атлас, цехларини ишга туширдик. Ҳозир тайёр буюмларни савдо шохобчаларига чиқариб аҳолига сотаяпмиз. Цехда тўқилган гиламлар бозорга нисбатан ҳам арзон, ҳам пишиқ, не ажабки харидоргир ҳам. Яқинда Исроилдан бир неча ишбилармон мутахассислар келишиб хўжалигимизда амалга оширилаётган ишлар билан танишишди. Айниқса худди шу гиламларимиз уларни қизиқтириб қолди. Улар билан савдо-сотиқ борасида келишиб олдик. Демак, ишларимиз юришиб кетади.

Қувондиқ ака, бошқа хорижий мамлакатлар вакиллари билан учрашганини гапириб берди. Неажабки, бундан бир неча йиллар олдин мустақиллик ҳақида, ўзбекистонлик маҳаллий бир раҳбарнинг хорижлик ишбилармон билан тенгма-тенг тиллаша олиши кимнинг тушига кирибди, дерсиз. Бу ўлкада ғалла етарли эмас-ку, Иттифоқдан ажралса ўзбеклар оч қолиб кетади, дегувчилар ҳам оз эмас чоғи. Шукурки, ғалламиз ҳам, дон-дунимиз ҳам ва энг муҳими, Қувондиқ акадек танти, суяги меҳнатда қотган одамларимиз бор. Улар омон бўлса истиқлолимиз қалқони янада бақувват тураверади.

Шароф СУЛТОН,
журналист.
Жиззах вилояти.



ҒАЛЛА — ИСТИҚЛОЛ ҚАЛҚОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- Иш бор ерда ош бор.
- Иш ишни топар.
- Иш—одамнинг роҳати.
- Иш қилганга—қоп-қоп, Қилмаганга — бўш қоп.
- Иш қуролинг соз бўлса, Машаққатинг оз бўлар.
- Ишга қўним—хирмонга унум.
- Ишлаганнинг оғзи ошга тегар, Ишламаганнинг боши тошга тегар.
- Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил.
- Меҳнат ерда қолмас.
- Меҳнат қилиб топганнинг — қанду асал тотганинг.

АРМАН МАҚОЛЛАРИ

- Ҳалоллик бозорда сотилмас.
- Бир ҳаром луқма ютсанг, минг ҳалол луқма йўқотгайсан.
- Саҳий бутун бир боғни ҳадя қилар. Бахил бир бош узум бермас.
- Агар тўй қилса қўшнинг, эшигингни кенгроқ очиб қўй.
- Яхши қўшни ёмон биродардан афзал.
- Одил кишига жазо бўлмас.
- Узун тил умрга эгов.
- Яхши сўз истасанг, ёмон дема,
- Яхши хотин — асл олтин.

УКРАИН МАҚОЛЛАРИ

- Ошиқлик йўлининг олислиги йўқ.
- Нодон билан улфатда бўлгандан кўра доно билан кулфатда бўлган яхши.
- Иззат-икром — меҳмонга қараб.
- Кишини кишига қийими эмас, хулқ-атвори таниттади.
- Яхшилик қил — яхшилик кўрасан.
- Бировнинг қўли билан чўғ ушлама.
- Кўнглингга эрк берсанг, эрксизлик йўлига бошлайди.
- Узингда ҳақиқат бўлмаса, уни ўзгадан талаб қилма.

БОЗОР ҚАЙДАН БОШЛАНАДИ?

Театр вестибюлдан — кийим илинадиган жойдан бошланади, дейдилар.

Вокзал—чиптахонадан.

Тайёрагоқ — паспортни излашдан.

Хўш, бозор-чи, бозор қаердан бошланади?..

Ҳазилкашроқ киши чўнтакни кавлашдан, дейиши мумкин.

Жиддийроғи иякка қўлни тираб хомчўт қилишдан, дейди.

Ҳаммаси тўғри.

Чунки бозорга ҳамма ҳар хил хаёл билан боради-да.

Биров шунчаки зерикишдан.

Биров дам олиш учун ҳам.

Биров эса тўй тараддудида.

Хуллас, бозорга ҳаркимнинг ўз сўқмоғи бор.

Менимча, бозор дарвозадан бошланади. Ўз дарвозангиздан чиқаётиб, харид ният қилишни ўйлаган нарсаларингиз бозор дарвозасидан ҳатлашингиз билан ўзгаради-қолади. Расталарда ястаниб ётган турли матоҳлар кўзингизни қамаштириб, довдиратиб қоласиз. Бозорда, айниқса Шарқ бозорида ўзингизга қўшилиб яна бир жуфт қўл чўнтагингизга кириб чиқаётгандек гўё.

Бир зумда чап киссада йўлкирага лойиқ битта сўмликлар қолганини билмай қоласиз.

Корейс момонинг тузланган хушбўй карамларидан тотиниш ҳисси пайдо бўлади.

Араб қизларининг юзидек лўппи хурмолар ёнидан кўз юмиб ўтиб кетолмайсиз.

Тарвузлар ўзлари думалаб оёғингизнинг тагида уймалашаверади. Олмай кўринг-чи!

Навбатга туриб ғирт суяк гўшт оласиз. Ичингизда «Мени таниди-ёв, суяк қўшмади», деган ёлғон тасалли пайдо бўлади. Инқиллаб автобус бекатига келасиз. Шундагина бир сиқим пул чангаллаб дарвоза ҳатлаганингиз ёдингизга тушади. Ё пирай, наҳотки ҳаммаси тугаган бўлса?..

Ҳурмони нега олдим?

Тарвузнинг кичикроғи ҳам бор эди-ку!..

Ана шунақа гаплар. Буни бозор, дейдилар.

Хўш, бозор қаердан бошланар экан?

Билмадим, билмадим.

Билганим бу — бозор нима билан тугаши.

Хотин ила жанжал билан тугайди!

Мақсад ЯХШИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 2 декабрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 АВСТРАЛИЯ ДОЛЛАРИ	284 сўм 81 тийин
1 АВСТРАЛИЯ ШИЛЛИНГИ	37 сўм 30 тийин
1 АНГЛИЯ ФУНТ СТЕРЛИНГИ	630 сўм 92 тийин
10 БЕЛЬГИЯ ФРАНКИ	127 сўм 89 тийин
1 НЕМИС МАРКАСИ	262 сўм 28 тийин
1 ГОЛЛАНД ГУЛЬДЕНГИ	233 сўм 03 тийин
1 ДАНИЯ КРОНИ	67 сўм 78 тийин
100 ИТАЛИЯ ЛИРАСИ	29 сўм 87 тийин
1 КАНАДА ДОЛЛАРИ	323 сўм 26 тийин
1 НОРВЕГИЯ КРОНИ	64 сўм 24 тийин
1 АҚШ ДОЛЛАРИ	417 сўм 00 тийин
1 ФИНЛЯНДИЯ МАРКАСИ	81 сўм 65 тийин
1 ФРАНЦУЗ ФРАНКИ	77 сўм 15 тийин
1 ШВЕД КРОНИ	61 сўм 16 тийин
1 ШВЕЙЦАРИЯ ФРАНКИ	290 сўм 90 тийин
10 ЯПОНИЯ ИЕНИ	33 сўм 45 тийин
1 ЭКЮ	512 сўм 83 тийин
10 ИСПАН ПЕСЕТИ	36 сўм 46 тийин
10 ГРЕЦИЯ ДРАХМИ	20 сўм 08 тийин
1 ИРЛАНДИЯ ФУНТИ	688 сўм 05 тийин
1 ИСЛАНДИЯ КРОНИ	6 сўм 57 тийин
1 ҚУВАЙТ ДИНОРИ	1392 сўм 13 тийин
10 ЛИВАН ФУНТИ	2 сўм 23 тийин
10 ПОРТУГАЛИЯ ЭСКУДОСИ	28 сўм 99 тийин
1 СИНГАПУР ДОЛЛАРИ	254 сўм 63 тийин
10 ТУРКИЯ ЛИРАСИ	0 сўм 50 тийин

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

● Дунёда энг баланд бино Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. У 110 қаватли бўлиб, баландлиги 411 метрни ташкил этади. Юқори қаватдагилар баъзан булутларни пастда кўрадилар.

● Ер юзидаги энг катта орол Гренландиядир. Унинг ер сатҳи 2 миллион 176 минг квадрат километр.

● Дунёдаги энг катта ярим орол Арабистон ярим оролидир. Унинг умумий майдони 300.000 квадрат километр.

● Бразилиядаги Амазонка энг серсув дарё ҳисобланади. Ундан йилига 3787 куб километр, секундига эса 120.000 куб метр оқиб ўтади.

● Тошкентдан Термизга бораверишда Сайроб қишлоғида каттакон бир чинор бор. Еттн кишининг қучоғига сиғмайдиган бу дарахт минг йилдан бери қуримай қад кўтариб турибди. Қизиғи шундаки, чинорнинг танаси кавак бўлиб, саводсизликни тугатиш йилларида бу кавакда мактаб ташкил қилинганди. Кейинчалик мактаб чойхонага айлантирилди.

Ташкилот пахта толаси ва хом ашёсининг 4, 5-типларини пул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 114-уй телефонлар (32522) 3-85-87, 3-36-84.

(325) 62-35-55, 66-56-31.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Азиз муштарий! Мана, ниҳоят Сиз «Осиё бозори» ахборот-тижорат газетаси материаллари билан танишиб чиқдингиз. Албатта, Сиз ундан Ўзингизга фойдали эълон топганингиздан хурсандмиз. Агар кўнглингизда бирон-бир эълон ёки билдирув бериш истаги пайдо бўлган бўлса, марҳамат, хизматингизга тайёрмиз! Эълон ва билдирувларингизни тез ва соз ҳамда арзон нархда чоп этамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз. Сизнинг эълон ва билдирувларингизни бутун Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон Республикасида миллионлаб кишилар ўқишади. Улар ичида Сиз ўзингизга албатта керакли кишини, ҳомийни ва шерикларни топасиз.

«Осиё бозори» эълон ва билдирувларни чоп этиш учун энг арзон ва қулай газетадир.

Эълон беришга шошилинг!

«ОСИЁ БОЗОРИ»га марҳамат, Сиз бизга барча масалаларда 33-76-04, 32-53-15, 32-54-14, 32-57-19, 33-38-55 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Эълон ва билдирувларингизни кутамиз.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙЛАР: Ш. Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туркистон» биржаси.

Нашр учун масъул
Т. ТОШЕВ.

Ҳафтада 1 марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176
Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

● БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» матбаа-нашриёт концернининг босмахонаси.

Индекс 75487 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

• Миллий қадриятларимиз •

МАҲАЛЛАНГ—ОТА-ОНАНГ!

● Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдам каби азалий халқ анъаналари жамиятни бирлаштириш негизи бўлиб қолиши керак. Партия ижтимоий ворислик тарафдоридир, у донишмандлик ва тажриба соҳиблари бўлмиш, миллий, маданий ва маънавий меросни асраб-авайловчи кекса авлодларга нисбатан анъанавий иззат-ҳурматни сақлаш ва ривожлантиришни ёқлайди.

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастуридан).

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҲАЙРИХОҲИ КЎП

ЧИНДАН ҳам шундай. Халқимиз хайрли иш бошладими, унинг ҳайриҳоҳлари сафи янада кўпаяверади. Миллий ва маънавий қадриятларимиз истиқлол туфайли яна тикланиб, ўз қадрини ростлаётган пайтда маҳаллаларга эътибор янада кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг январь ойида Тошкент шаҳар маҳалла қўмиталарининг фаоллари билан учрашиб, анъаналаримизга мустақиллик шарофатининг файзини киритди. У халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини таъмин этишда маҳаллалар ўрнини алоҳида таъкидлади.

Президент И. Каримознинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги Фармони мустақил, Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашишда муҳим қадам бўлди. Вазирлар Маҳкамаси ҳисобидан жамғармага 25 миллион сўм ўтказилганлиги қутлуғ мақсад йўлидаги меҳрибонлик самарасидир.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ижодкорлари бу хайрли юмушда фаол қатнашмоқдалар. Рўзнома таҳририяти Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллалар ва уй қўмиталари ишлари билан шуғулланувчи кенгаши билан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низом» лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашиб, уни газета саҳифаларида эълон қилди. Шундан сўнг республика пойтахти ҳокимияти ва «Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан республикамиз вилоятлари бўйлаб маърифий юриш бошланди. Сафар давомида маҳаллалар ишини янада жонлантириш, янги мазмун билан бойитиш юзасидан мулоҳазалар тўпланди, тажриба орттирилди, умумлаштирилди. Халқимиз ўзининг маънавий илдизларини янада мустаҳкамлашга аҳду паймон қилганлиги ва катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилганлиги сафар чоғида кўзга яққол ташланди.

КЕЛАСИ йили ўзининг 75 йиллигини нишонлайдиган газетамиз республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан маҳаллалар ҳаётини ёритишга мўлжалланган янги газетани чиқаришга қарор қилганлиги сиз, азиз муштарийларга маълум. Туғилажак янги газетанинг ўзига хос номини қўйишда маслаҳатингизга мунтазирмиз. Муштарийларнинг ҳар бири унинг номи, мазмуни, мундарижаси, шакли қандай бўлиши кераклиги ҳақида бемалол ўз фикрларини баён этишлари мумкин. Энг яхши таклифларни рағбатлантириш ниятимиз бор.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИ:

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

ТЕЛЕФОН: 33-79-14,33-72-83.

● РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПРОЛЕТАР КЎЧАСИ, 6-УЙ.

ТЕЛЕФОН: 32-01-69.

● Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига пул ўтказиб ўз улушини қўшаётган саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, фуқаролар сафи кун сайин кенгаймоқда.

● РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ОПЕРАЦИЯ БЎЛИМИНИНГ 000700126 РАҚАМЛИ ҲИСОБ СЧЕТИ

БАНК КОДИ: 172682116.

● Халқ айтгани ҳақ чиқар.

● Халқ меники дема, Сен — халқники

● Қадр қилсанг, қадр топасан.

● Ватани борнинг бахти бор, Меҳнати борнинг — тахти.

● Қадр-қимматга лойиқ, Одам бўл, дер ҳалойиқ.

● Она — меҳрибон, ота — ғамгузар

● Онангга бошингни хам қил,


Отангга гапингни кам қил.



● Меҳрибон бувижон қучоғида...

В. ТУРАЕВ олган сурат.





КАТТА КУЧ

Бешариқ шаҳридан жануб томон бир оз йўл юрсангиз жамоа хўжалиги ерлари бошланади. Асфальт йўлнинг икки қанотида самбит толу оқ тераклар шиғиллаб турибди. Ҳосилдан бўшаган боғ-роғлар, ниятуман пардасига чўлғанган ўйчан далалар кўзга ташланади. Гузарнинг гавжумлиги-ю, маҳаллаларнинг серфайзлиги — қишлоқ кўркидан бир нишона. Бу қадимий ва навқирон Рапқон қишлоғидир.

Қишлоқ Кенгаши раиси Оҳунжон Эргашев ҳамда «Тоғай» маҳалла қўмитаси раиси Алимат ака Мираҳмедов билан суҳбатимиз асосан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг маҳаллалар фаолиятига бераётган эътибори, маҳаллаларга чуқур ҳурмат ва ишонч билдириб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантириш учун республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида чиқарган Фармони хусусида бўлди.

— Ватан сарҳадлари хонадонларимиз остонасидан бошланади, — деди қишлоқ Кенгаши раиси О. Эргашев. — Маҳалла бу — Ватан. Мустақиллик, истиқлол, инсоф билан айтганда биз учун кутилмаган бахт, шафоат бўлди.

Президентимиз ўтган мустамлака йилларининг қоронғу кўчаларида умидсизликка тушган халқнинг руҳини кўтариш, бошини қовуштириш, мустақилликнинг нурли йўлларидан олиб ўтиш учун аввало шу кичик ватанга катта умид боғлади. Маҳалла муаммоларини ҳал этишга бел боғлади. Жумладан, бунга «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилгани мисол бўла олади.

Албатта, фармон — ижроси билан афзал. Буни бизнинг қишлоқ мисолида ҳам кўриш мумкин. Рапқон қишлоғи ҳудудида 13 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу — уч мингта хонадон деганн. Халқнинг тинч ва осойишта яшаши, иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилинишига алоҳида эътибор қаратилган Фармонларни амалга оширишда қишлоғимиз маҳаллалари фаоллари халқ ноибларн билан ҳамкорлик қилишмоқда. Кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ Кенгашига 1989—1991 йилларда 1789 киши уй-жой қуришга ер сўраб ариза берган эди. 592 оилага уй-жой учун, 1126 оилага томорқа учун 258 гектар ер бердик. Шу йилнинг 1 августигача уй қуриб олишга 145 минг сўм давлат қарзлари берилди. «Рапқон» жамоа хўжалиги арзон нархда иморатбоп тераклар сотди.

Шу тариқа 250 га яқин оила янги уйларга кўчиб кирди. Яна 264 оила ҳовли тўйлари қилиш тараддудида. Қишлоғимизда янги-янги маҳаллалар вужудга келяпти. Шунга қараб маҳалла қўмиталари сони ҳам ортиб боряпти. Бундан уч-тўрт йил аввал улар сони 6 та бўлса ҳозир 16 тага етган.

Биз яхши биламиз, маҳалла — катта куч. Ҳашар йўли билан ариқ-зовурлар қазиш, тозалаш ишлари маҳалла аҳолиси учун ҳеч гап эмас. «Кўпчилик бир бурдадан берса тўйғазади, бир муштдан урса ўлдиради», деганлари рост. Шанба кунлари аҳоли ўзи боққан чорва молларидан сўйиб, маҳалла қўмитаси фаоллари иштирокида қўни-қўшниларга гўшт тақсимланяпти. Бу тадбир ҳам аҳолини ижтимоий кафолатлашга ёрдам бераяпти. Бозорда гўштнинг килоси 110 сўм бўлса, ўзимизда сўйиб сотилаётган гўшт 90—100 сўмга тушяпти. Тўйларни замон талабига мос ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисиз қолган ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олишда ҳам маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш қилмоқдамиз. Чунки улар ўзи истиқомат қилаётган маҳалланинг пасти-баландини яхши билади.

Турли тадбир ва маросимлар ўтказиш анъаналари давом этмоқда. Жумладан, қатор миллий байрамларни нишонладик.

— Одамлар қалбига йўл топиш катта омил, — деб суҳбатга қўшилди маҳалла қўмитаси раиси Алимат Мирзаҳмедов. — Ишончим комилки, Президентимизнинг маҳалла ишларини ривожлантириш борасида қилаётган саъй-ҳаракатлари ҳадемай ўз мевасини беради. Хайрия жамғармасига ҳукумат ажратган пул, меҳнат жамоалари ўтказаётган маблағлар, албатта, аҳолининг тарихан таркиб топган удум-анъаналарини авайлаб-асрашга, бойитишга кўмаклашади. Шунингдек, бу — кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар ва боқувчисини йўқотган ёлғизларга инсонпарварлик ёрдами бўлади.

Мен узоқ йиллардан буён «Тоғай» маҳалла қўмитасига раҳбарман. Тўйчивой Раҳимов, Аҳмаджон Каримов — беминнат ёрдамчиларим. Маҳалламиз аҳли меҳнаткаш, фидойи кишилар. Бу ерда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Ҳашар билан қурилган чойхона оқсоқолларимиз тўпланадиган, маслаҳат ва кенгаш қиладиган маскан ҳисобланади.

Қишлоқчилик эмасми, бироз кўча эшиги олдида тоштупроқ, ҳашак-ўтин келтириб қўяди-ю, бошқа юмушларга алаҳсиб кетади. Баҳолонки, ўша нарсалар ўз вақтида уйига ташиб олинмаса, маҳалла ҳуснини бузади. Қолаверса, бундай ҳол кўча ҳаракатига ҳам ҳалақит бериши мумкин. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб бўлса-да, бундай ҳоллар олдини олиш тадбирларини кўришяпти.

Мақоламизни Алимат ака юқорида айтган: «Маҳалламизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ», деган гап билан якунламоқчимиз. Қишлоқ марказида жамоа хўжалиги ёрдами билан қурилган консерва ва ғишт пиширувчи кичик корхоналар ишлаб турибди. Бу кичик корхоналарда анчагина рапқонлик йигит-қизлар меҳнат қилишмоқда. Маҳалла қўмитаси ва қишлоқ Кенгаши бундай кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш ҳаракатида.

Ҳа, маҳалла — катта куч. Бу ерда аҳолининг осойишталиги-ю моддий-ижтимоий муҳофаза қилинишигача, тўй ва маъракалар батартиб ўтказилиши-ю бева-бечоралар ҳолидан хабардор бўлиб туришигача — барча ҳаётий масалалар изчил ҳал этиляпти.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбир сус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. «Тоғай» маҳалла қўмитаси раиси А. Мирзаҳмедов; 2. Маҳалла оқсоқолларининг қўлидан китоб, тилидан дуо тушмасин.

Муаллиф олган суратлар.

ХАЛҚ АЙТГАНИ ҲАҚ ЧИҚАР

ДЕҲИШДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 12 сентябрь «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда шу йил 8 октябрь «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги Фармонларини республика аҳолиси қатори пойтахтликлар ҳам зўр қувонч билан кутиб олдилар. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими, Республика халқ депутати Сайфулло Давирович Сайдалиев маҳаллалар фаолиятига юксак баҳо берди.

Ҳозирги иқтисодий таҳчиллик шароитида тўйларни камчиқим ва ихчам қилиб ўтказиш, ўз ҳудудига тааллуқли бўлган бошқа талай масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаётган аҳил, осойишта, меҳр-оқибатли маҳаллалар кам эмас.

Вилоятдаги шаҳар ва районларда 1414 маҳалла комитети фаолият кўрсатмоқда. Маош олиб ишлаётган 208 та маҳалла комитетлари раислари, муовинлари ва котибларининг маошлари шу йилнинг ўзида уч марта оширилди. Улар фаолиятини яхшилаш учун вилоят ҳокимияти бюджетидан 2 миллион 510 минг сўм маблағ ажратилди. 110 та маҳалла комитети бинолар билан таъминланди. 15 та маҳалла комитети ўз ҳисоб рақамига эга. Турли район ва қишлоқларда ўз мавқелари, обрў-эътиборлари билан жамиятимиз тараққиётига, осойишталигига ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган юзлаб маҳалла комитетлари бор.

Таъсис йиғилишида талай муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Вилоят ҳокимияти «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига 5 миллион сўм, Тошкент район ҳокимияти 6 миллион сўм, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз 10 миллион сўм, вилоят тайёрлов ва ширкат идораси 3 миллион сўм, Куйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхози 1 миллион сўм миқдорида пул ўтказадиган бўлди.

Йиғилишда «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг бошқарув органи ва тафтиш комиссияси сайланди. Бўлим фаолиятини 31 кишидан иборат кенгаш бошқаради. Кўп йил жамоат, партия ва совет органларида ишлаган, ҳозирда вилоят фахрийлар корхоналари бирлашмасининг раиси бўлиб ишлаётган Солижон Воҳидов шу бошқарув кенгашининг раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров ва ХДП Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашдилар.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ажаб савдолар •

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

Бозор ва дўконларда нархнаво ошиб кетган ҳозирги даврда кооператив, кичик ва хусусий корхоналар, тижорат-воситачи савдо дўконлари, турли ширкатлар шу қадар кўпайиб кетдики, асти қўяверасиз. Бу ҳол Қашқадарё вилоятида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Агар улар рисоладагидай ишласа одамлар ҳам, давлат ҳам фойда кўради. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар оз бўлса ҳам енгиллашарди.

Афсус, афсус... Аксарият корхоналар, кооперативлар раҳбарлари ўндан тўққизини уриб, биридан ҳам хомтама бўлгандек иш тутаяптилар. Ҳатто давлат томонидан белгиланган солиқ ва тўловларни ҳам насия этиб, жуфтакни ростлаб қолишга ҳаракат қилаяптилар. Айримлари низомда кўзда тутилмаган ғайриқонуний ишлар билан шуғулланаётир. Улар қандай бўлса ҳам шахсий бойлик орттирсам дейди.

Шаҳар ва районларда кичик корхоналар ташкил этилганда хурсанд бўлгандик. Аммо, қувончимиз узоққа чўзилмади. Улар фаолиятини назорат қилувчи вилоят давлат солиқ бошқармаси яқинда шундай нуқсонларни аниқладики, буларни тарозининг у палласига ҳам, бу палласига ҳам қўйиб, ўлчаб бўлмайди. Савобидан гуноҳи оғир. Нишон районидаги «Осиё» ширкати 42 минг 394 сўм, Қарши шаҳридаги «Ҳунарманд» ширкати 7,8 минг сўм, Шаҳрисабз шаҳридаги «Чарос» кичик корхонаси 6 минг, «Камолат» ширкати 5,6 минг, Ғузор районидаги «Ғузор» кичик корхонаси 6 минг, Касби районидаги «Ободон» кичик корхонаси 6,2 минг, Қамаши районидаги «Наврўз» кичик корхонаси 5,9 минг, Муборак шаҳридаги «Стройрембит» кичик корхонаси 19,8 минг сўм фойдани ҳисоботдан яшириб қолганлиги аниқланди. Фойдани арра қилмоқчи бўлган ширкат ва кичик корхоналар номини тилга олаверсак, рўйхат чўзилиб кетади.

Баъзи кичик корхоналар низомларида қайд этилмаган ишлар билан машғул бўлиб, асосий ишларини унутиб қўймоқдалар. Буига мисол қилиб Қарши шаҳридаги «Бунёдкор», Шаҳрисабз шаҳридаги «Жума Ражаб», Китоб шаҳридаги «Октябрь», Касби районидаги «Соҳибкор» кичик корхоналари, Якқабоғ районидаги «Дурадгор» ширкатини кўрсатиш мумкин. «Дурадгор» ширкати низомига кўра хўжаликлар ва давлат корхоналарида шартнома асосида қурилиш ишларини бажариши, шунингдек, таъмирлаш ишлари, ёғочни қайта ишлаб, уйсозлик материаллари тайёрлаб бериши керак. Бироқ ширкат бу ишлар ўрнига куппа-кундуз куни қурилиш материалларини аҳолига устама нархлар билан сотаяпти. Бу ширкат ўтган йили ҳам шундай ғайриқонуний даромад олишга интилиб, 47 минг 818 сўм фойдани яшириб қолганди.

Даромадни яшириш Китоб районидаги «Шарқ», Шаҳрисабз шаҳридаги «Хизмат», «Труд», Деҳқонобод районидаги «Дарё» кичик корхоналарининг мутасаддиларига ҳам одатга айланган. Жаримани тўламасдан ялло қилиб юрганлар ҳам бор. Масалан, Қарши шаҳридаги «Оригинал» кичик корхонаси бош ҳисобчиси Ш. Санаевга 400 сўм, «Промстройматериал» кичик корхонаси бош ҳисобчиси Н. Долговга 600 сўм, «Индустрия» ширкатининг бош ҳисобчиси Ф. Азизовга 400 сўм, Шаҳрисабз шаҳридаги «Импульс» кичик корхонаси бош ҳисобчиси Б. Сафаровга 400 сўм, Яккабоғ районидаги «Ободон» ширкати раиси Ж. Мавлоновга 400 сўм миқдорида жарима солинган эди. Лекин, улар осонликча буни тўламоқчи эмас.

Вилоятда шундай кичик корхоналар ҳам борки, уларда ўрнашиб олган бир гуруҳ шахслар моддий неъматларни талон-торож қилишдан ҳам қайтмаяптилар.

Хусусан, Усмон Юсупов районидаги «Парвоз» кичик корхонаси раҳбарлари 89,4 минг сўмлик моддий неъматларни ўзлаштиришган. Шаҳрисабз консерва заводидан олинган 663 минг сўмлик тамат пастаси ва шарбати пули ҳам тўланмаган. Бу қинғир ишларни ҳадемай тергов органлари охирига етказади, деган умиддамиз.

Муборак шаҳридаги «Стройрембыт» кичик корхонаси раҳбарларининг хурмача қилиғи бундан ҳам баттар. Корхона фаолияти текшириб кўрилганда кассир Р. Козирова 24,6 минг сўм пулни ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Шунингдек, директор Т. Расулов ва моддий жавобгар ходимлар Х. Тешабоев, И. Бердиёровлар тил бириктиришиб, қурилиш материаллари сотишдан тушган 19,8 минг сўм маблағни корхона кассасига топширмай, киссага урганлар. Қойил-э. Ҳамтовоқлар бунга ҳам қаноат қилмай келтирилган 35,5 минг сўмлик қурилиш материални сотиб, пулини корхона кассасига киритмаганлар. Энди уларнинг тергов органлари олдида жавоб беришига тўғри келади. Ҳар ким экканини ўради-да!

Суюн КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи,
Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АЙБДОРЛАРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

Менделеев жадвалидаги вольфрам табиатда кам учраши маълум. Лекин Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ходимлари учун вольфрам деҳқончилик шекилли, тонналаб четга жўнатишмоқда.

Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси назоратчилари С. Алиев бошқарган 52-35 ТНБ рақамли «КАМАЗ» автомашинасини текширив кўришганда, 5,6 тонна вольфрам Саратов шаҳрига ғайриқонуний равишда жўнатилаётгани маълум бўлди. Натижада 9,5 миллион сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди. Айбдор шахсларга жарима солинди.

ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИ ПОКИСТОНДА

ДУНЁ ОВОЗИ

● **Ўзбек санъаткорлари ёдида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳафталиги доирасида Покистонда ўтказилган анжуман таассуроти бир умрга қолиши табиий.**

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси билан Покистоннинг «Табани» фирмаси ўртасидаги келишувга мувофиқ ўтказилган бу йирик тадбир дўстлигимизни мустаҳкамлашда яхши тадбир бўлди.

Республиканинг қатор санъат даргоҳлари — «Баҳор» ашула ва рақс ансамбли, Муқимий номидаги мусиқий драма театри, «Наво» дастаси, давлат филармонияси ижрочиларининг вакиллари анжуманда қатнашдилар.

Лаҳор ва Исломобод шаҳарларида қўрсатилган концерт айниқса зўр таассурот қолдирди. Саҳна муҳлислари ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳоратига юксак баҳо бердилар.

ЕРЕВАН МАКТАБЛАРИДА ТАЪТИЛ

● **Арманистон пойтахти Ереван ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги мактабларда қўнғироқлар янграмаяпти. Уч ойга таътил эълон қилинди.**

Республика ҳукумати ёқилғи-энергетика танқислигидан келиб чиқиб, маданий-маърифий муассасаларни ҳамда қатор лойиҳалаш институтларини энергия билан таъминлашни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Мактаблар ҳам шу рўйхатдан жой олди.

ВАЗИРЛАР ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШАДИ

● **Греция бош вазири К. Мицотакис ҳукумат кабинети тўла ҳолича истеъфога чиқишини маълум қилди.**

Ҳукумат таркибида кенг миқёсли ўрин алмашишлар учун замин тайёрлаш мақсадида шундай қарорга келинди.

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ЯПОНИЯДА

● **Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэлнинг Японияга сафари тугади.**

Япония бош вазири Киити Мидзава билан мулоқотлар олиб борилди. Икки мамлакат ҳукумат раҳбарлари қарийб икки миллиард доллар турадиган битимларни имзоладилар. Япония банклари Туркистондаги давлатларга ёрдам бериш учун Туркия банкларига 560 миллион доллар миқдорида узоқ муддатли қарз ажратди.

Сулаймон Демирэл мухбирлар билан суҳбат ўтказиб, иқтисодий алоқалар Буюк ипак йўли орқали давом эттирилишини маълум қилди.

РАСМИЙ ВАКИЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● **АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Ричард Даучер стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ҳақидаги Россия — Америка шартномасини тайёрлаш ва имзолаш муваффақиятли тамомланди, деди.**

Россия томонидан тайёрланган шартнома матни лойиҳаси ўрганилаяпти, деди у қўшимча қилиб. АҚШ — Россия ташқи ишлар маҳкамаларининг бошлиқлари бу масала юзасидан мунтазам боғланиб туришганлиги ҳам маълум этилди.

ЧЕКУВЧИГА ОЙИГА ЎН ҚУТИЧАДАН

● **Москва ҳукумати донимий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни тамаки маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ғамхўрлик кўрсатди.**

Шаҳар маъмуриятининг кўрсатмасига кўра бундай кишилар учун ойига 10 қутичадан сигарет ёки папирос ажратиш кўзда тутилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва ҳорижий мамлакатларнинг рўзномалари хабарлари асосида тайёрланди).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТАЛАБАЛАР КУНИ

● **Утган якшанба куни вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Самарқандда Талабалар куни ўтказилди.**

Пахта йиғим-теримидаги фаол иштироклари учун ёшлар ана шундай ҳурматга сазовор бўлдилар. Аввалambор, ўша куни студентлар учун махсус дўконларда арзон нархда маҳсулотлар сотилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил кўраётган йигит-қизлар кун давомида шаҳардаги театр ва кинотеатрларда бепул томошалар кўришди. Шунингдек, уларга концерт ҳам қўйиб берилди.

Талабалар кунида вилоят раҳбарлари, ота-оналар иштирок этишди ва ёшларнинг қувончига шерик бўлишди.

ҚАРЗНИНГ НАҚДИ ЯХШИ

● **Ҳозирги шароитда кўплаб корхона ва уюшмалар бирорта технология ёки ишчи цех очиш учун маблағ тополмай овора бўлиб юрганлиги сир эмас.**

Ана шундай пайтда Самарқанд вилоят матлубот жамияти ва «Сўғд-Лада» фирмаси кооператорларнинг вилоятдаги биринчи акционерлик-тижорат банки муассиси бўлишди. Унинг Низомий жамғармаси ҳозирча 84 миллион сўмдир. Янги банкнинг мақсади кредит маблағлари тақсимотини яхшилаш, молиявий ҳисоб-китоб жараёнини тезлаштириш, корхоналарнинг дебиторлик қарзларини қисқартириш ҳамда тўловнинг қулай тартибларини жорий этишдан иборат.

Келаси йилдан бошлаб банк бир йилда бир миллиард сўм қарз бера олади. Ҳарқалай, қарзнинг нақди яхши-да! Бу ерда ҳозирча бор-йўғи 12 киши бир кунда 500—600 тагача молиявий операцияларни бажармоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳозирги 60 та мижозлар сони кўп ўтмай 2 мингтага етади. Эҳтимол, ўшанда хазинага чет эл валютаси ҳам келиб тушар...

ЭЗГУЛИК БЕШИГИ

● **Маҳалла — асрлар давомида қўҳна Самарқандниинг энг гавжум жойи, миллий анъаналар ҳамда эзгуликлар бешиги саналиб келган. Бу ердан улуғ алломалар етишиб чиққан.**

Ана шунинг учун ҳам республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг таъсис конференцияси ўзига хос кўтаринкилик, жўшқинлик билан ўтди. Вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов маҳаллалар нуфузини тиклаш борасидаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари Таъсис шартномасини қабул қилдилар. Бир пайтлар Каттақўрғон шаҳар маҳаллаларида тарғибот марказлари очиш ташаббуси билан чиққан Абдулла Мелиев республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг раиси этиб сайланди. Дарвоқе, ўша куни жамғармага дастлабки маблағлар ҳам келиб тушди.

Бу эзгу ишга вилоят ҳокимияти уч милилон сўм, Ургут тамаки ферментлаш корхонаси бир миллион сўм, шунингдек, Самарқанд шаҳар ҳокимияти, чинни заводи ҳам катта миқдорда маблағ ажратдилар.

ОМОН БЎЛСИН «СИТОРА»!

● **Самарқанддаги кўплаб қариялар фотиҳага қўл очишса, «Ситора»нинг омадини берсин» деб дуо қиладиган бўлишди. Бу бежиз эмас.**

«Ситора» кичик корхонаси қисқа давр ичида қарияларнинг чинакам ҳомийсига айланди.

— Кексаларни қарилик эмас, балки ишсизлик чарчатади, — дейди корхона раҳбарлари. Шу боисдан биз ишбилармон отахон, онахонлар учун машғулот топиб бераяпмиз. Маҳсулотларимизнинг маълум қисми ана шу тиниб-тинчимас кишилар меҳнатидан тайёрланмоқда. Умуман, ишчиларнинг 60 фонзи нафақахўрлардир.

Яқинда «Ситора» Мустақиллик кўчасида ветеранлар учун дўкон очди. Унда маҳсулотлар бошқа жойлардагига қарганда 20 фоиз миқдорда арзон нархда сотилади. Бу дўконни ташкил этишда «8-Март» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Самарқанд шаҳар ветеранлар Кенгаши ташаббус кўрсатишди. Бундан ташқари «Ситора» ўн нафар ёлғиз нафақахўрни ўз оталигига олган.

Фақат мўмай даромад ва фойданинг ортидан қувваётган кичик корхона ва кооперативлар «Ситора»дан ибрат олсалар бўларди.

Фармон ТОШЕВ.

БОБУР ЭКСПЕДИЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ


● **Бобур меросини илмий ўрганиш экспедицияси Андижондан Ҳиндистонга жўнаб кетди.**

Бу — экспедициянинг иккинчи сафаридир. Экспедицияга геология-минералогия фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий ишлаб чиқариш марказининг бош директори З. Машрапов раҳбарлик қилмоқда.

Сайёҳлар машинада Афғонистон орқали Ҳиндистонга бориб, Бобур ва унинг авлодлари яшаган жойларни зиёрат қилиб, улар яратган тарихий обидаларни кўрадилар, бобурийлар сулоласи ҳақида маълумотлар тўплайдилар. Сўнг Англияга ўтиб, Лондон музейида сақланаётган «Бобурнома» асарининг қўлёзмасидан нусха оладилар. Парижга бориб, «ЮНЕСКО» ташкилотидан Бобур юбилейига бағишланадиган халқаро симпозиумни Ўзбекистонда — Андижонда ўтказишни илтимос қиладилар.

Илмий экспедиция сайёҳларини Андижон вилояти ҳокимлигининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, уламолар ва бошқа фуқаролар олис сафарга кузатиб оқ фотиҳа бердилар.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Бахтиёр Анваров Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғи ўринбосари вазифаси ишлайди. Унвони подполковник. Иши кўплиги туфайли вақти йўқ, ҳисоби. Аммо севган касби ҳайкалтарошликка вақт топади.

Бахтиёр Анваров шу вақтгача ўттиздан ортиқ сиймоларни тошга битди. Улар орасида «Она», «Бахши», «Улуғбек», «Ҳамза» каби ҳайкал ва бюстлар элга манзур бўлган. Бахтиёр ака яқинда яна бир шарафли ишга қўл урди. Буюк саркарда Амир Темур сиймосини яратмоқда.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзА).

• Назм дафтаридан •

Шоир ва журналист Эркин Неъмат 1942 йил Ургут районидаги Кенагас қишлоғида маърифатли оилада туғилди. Самарқанд давлат университетини битириб, вилоят газетасида, ўзбек Комусида, 1977 йилдан эса, Ўзбекистон радиосида бўлим мудири, 1992 йил августдан бери Ўбекистон телевидениесида ижодий хизматда.

Эркин Неъмат «Ошиқ булбул», (1970), «Табиат минбари», (1980), «Алангадаги садо» (1984), «Замон қўнғироғи» (1990) каби шеърлар тўпламларининг муаллифи. Давр қаҳрамонлари ҳақида юзлаб очерк ва мақолалар битди.

Қарабсизки, шоир ва журналист Эркин Неъмат бир думалаб эллик ёшга кирибди. Иқтидорли дўстимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз.



ГУЖУМ

Ёлғиз яшар сайҳонда гужум,
Қисматидан танаси тўрлик.
Аёз, бўрон қилса-да ҳужум,
Барҳисига чидайди шўрлик.
Қишин-ёзин соябондир у,
Баъзан бағрин эзғилар бир куч
Тантилиги, гўллиги учун
Кимдир ундан олар эди ўч.

ЧЎҚҚИГА

Бунчалар мағрурсан, бунчалар тиксан,
Кўзингни олмайсан аршу аълодан.
Гўё тоабадга бардам тетиксан,
Ерга ҳам қараб қўй, асрар балодан.

Гуноҳсизнинг бор-йўғини
Маконини олсанг-да,
Ўзгартириб йўрғинни
Имконини олсанг-да,
Азобларга солсан уни,
Оҳи-доди қолади.
Юрагида дард тугуни —
Эътиқоди қолади.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизлик — энг мусибатли кун
Ситам, ўзинг, ситамкор ўзинг.

Ҳасратингни юпатади тун,
Ўзлигингга интиқ, зор ўзинг.
Оғир-оғир олганда нафас,
Эшик томон назар ташлайсан.

Эшигингдан чиқмагач бир сас,
Узингни-да сўка бошлайсан.

Йироқлашар дўсту тенгқуринг,
Кўзларингда совуйди олам.
Ҳисларинг ҳам бермайди гуруғ,
Гўё сенга ғаним ҳар одам.
Соғинасан куннинг ботишин,
Чидолмайсан, тун эса узоқ.
Гоҳ истайсан тонгнинг отишин,
Тонг ҳам сенга завқ бермас бироқ...

СЕН УЙҒОНДИНГ...

Бодом, чиқдинг, қўтариб гулни,
Новдаларга қўнди омадинг.
Аёз сенга санчсада тиғни,
Сен уйғондинг, мен уйғонмадим.
Кўмсалар-да чидадинг, булоқ,
Мақсадингдан асло тонмадинг.
Куз ёт бўлиб чиқсанг-да, бироқ,
Сен уйғондинг, мен уйғонмадим.
Қафасдаги муштипар булбул,
Дон берсам-да кўнгли қолмади.
Энди сени юпатолмас гул,
Сен уйғондинг, мен уйғонмадим.
Айттил, қоя, бу қандай ҳузур,
Сен ҳам ёндинг, нечун ёнмадим.
Пешонангдан аримайди нур,
Сен уйғондинг, мен уйғонмадим...

«МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



«Чавандоз бўламан».

Е. БОТИРОВ олган сурат.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ
● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИНИ» (ФЕЛЬЕТОН).
● ЮРАГИ КАТТА ОДАМ.
● АЖАБ САВДОЛАР: «НАСИЯ ИЖРО»

• Биз ва хориж •

ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ ХИТОЙДА ТАЪЛИМ ОЛИШМОҚДА

Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилари жаҳондаги улуғ мамлакат — Хитой Халқ Республикасининг осмон йўлларини ўзаро келишув шартномаси асосида тинч мақсадда забт этмоқдалар. Самолётларимиз Урумчи, Пекин, Шанхай ва Гуанжоу шаҳарлари ўртасида қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Куни кеча Тошкент — Урумчи — Пекин қатнови бўйича дастлабки синов парвози ҳам муваффақиятли ўтди. 1-даражали маҳоратли учувчи Абдулла Араббоев бошқарган «Ту-154» самолёти 6 соатдан ортиқ давом этган учишдан кейин мамлакат пойтахти Пекинга бориб қўнди. Самолёт бортида миллий авиакомпания раҳбарлари, мутахассислар ва журналистлар бу кўҳна шаҳарда қардошларча самимий кутиб олинди. Биз журналистлар Пекиннинг бугунги қайноқ ҳаёти билан танишишга муяссар бўлдик. Катта шаҳарнинг кундалик осуда ҳаёти, ҳамма жойдаги қизғин меҳнат палласи, хитойча ва европача меъморчилик бир-бири билан омухталашиб кетганлиги ҳаммамизнинг диққатимизни жалб этди. Пойтахтнинг машҳур Тян Ан Мин майдони ўзининг салобати, гўзаллиги билан саёҳатчиларнинг катта оқимини қамраб олган.

Жуда қисқа ва завқли сафаримиз доирасида биз учун кутилмаган воқеа юз берди. Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан Хитойга ўқишга борган ўзбек ўғлонлари билан дийдор кўришув насиб этди. Пекин педагогика институтида таълим олаётган Улуғбек Зиёдов, Рустам Умаров, Ҳикмат Обидов ва Миробид Орипов билан қизғин суҳбатлар бўлди.



● Ўзбек учувчилари Хитой заминида.

Йигитлардан бири Рустам Умаров билан суҳбатлашдик.

— Биз ўзбек йигитлари Хитойга келганимизга ярим йил бўлди. Ҳозир иккинчи курсда таълим оляпмиз. Хитой тили, тарихи, маданияти ва айниқса ташқи иқтисодий фаолиятини ҳам ўрганяпмиз. Ҳозирча 5 мингта Хитой ҳарфини ўрганяпмиз. Ўқиш давомида яна шунчани билишимиз керак.

Шу йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат сафари билан келган кунлари биз учун бир умрга байрам бўлди. Ислом Абдуғаниевич бизлар билан азиз меҳрибонимиздек самимий суҳбатлашдилар. Яхши маслаҳатлар бердилар. Бу учрашувимиз бизларга жуда катта куч-қувват бахш этди. Ўқиш даврмиз ҳадемай ўтиб кетади. Биз бу ерда эгаллаган билимимиз билан Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида толмай хизмат қиломоғимиз керак. Ватан биздан ана шуни кутмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Тошкент — Пекин — Тошкент.





● Пекин кўчаларида.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар (ЎзА).

• Спорт

ХАЙРЛИ ТАДБИР

● **БУГУН халқаро футбол федерацияси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлади.**

Йиғилишда битта масала, у ҳам бўлса, бир қанча мамлакатларнинг федерацияларини ФИФАга муваққат аъзоликка қабул қилиш кўриб чиқилади. Нуфузли уюшмага аъзо бўлувчилар орасида Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг ҳам борлиги мухлислар учун умидбахш бўлиб турибди.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

● **ЧИМ ХОККЕЙ бўйича Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақа якунланди.**

Бу сафарги совриндорлик баҳсида бешта жамоа иштирок этган. Лекин, мухлис-у мутахассислар Бухоронинг «Ситора» хоккейчи қизларини пешқадамлик қиладилар, деб ўйлашмаган эди. Бу жамоа барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, 8 та очко билан Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Ҳал қилувчи ўйинда бухороликларга 0:3 ҳисобида имконият бой берган «Андижанка» хоккейчилари эса иккинчи ўрин билан қаноатланишди. Тошкент вилоятининг «Политотдел», Самарқанднинг «Чевар» хоккейчи қизлари қолган ўринларни баҳам кўрдилар.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

● **ЭРКИН КУРАШ бўйича Ўзбекистон чемпионати иштирокчилари ўртасида қизғин ва муросасиз баҳслар бўлди.**

Мусобақага «Лидер» кичик корхонаси ҳомийлик қилиб, моддий ёрдам кўрсатди. Вазнларига кўра Р. Исломов, А. Иброҳимов, М. Жаксолиев, Р. Ҳинчагов, В. Ефимов, Э. Ҳидоятов, И. Гофуров, Ф. Муртазин, А. Телегинлар ғолиблик супасига кўтарилиб, пул мукофотларини олишди.

ЭЪЛОН

Собиқ «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси касаба уюшмаси комитетининг йўқолган думалоқ муҳри БЕКОР қилинади.

• Янги нашрлар •

ИЛК МАРТА

Республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан олий ва ўрта махсус техникавий ўқув юртларида ўқувчилар ўз она тилида ўқишга муяссар бўлди. Профессор Бахтиёр Муҳамедовнинг техника олий ўқув юртлари талабалари учун яқинда босмадан чиққан «Метрология, технологик параметрларни ўлчаш усуллари ва асбоблари» номли дарслиги (Т. «Ўқитувчи» 320 бет) алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ўлчаш техникасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун ҳар бир инженер ходим, қайси соҳа мутахассиси бўлишидан қатъи назар, метрология асосларидан, технологик параметрларни ўлчаш усуллари ва воситаларидан, ҳисоблаш техникасидан ўлчаш жараёнларини автоматлашда фойдаланиш имкониятларидан хабардор бўлиши зарур. Б. Муҳамедовнинг мазкур дарслигини ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган, ўзбек тилида яратилган дастлабки қўлланмадир.

Китобда айрим мунозарали ўринлар, қиёмига етмаган фикрлар ва босмахона томонидан йўл қўйилган хатоликлар ҳам йўқ эмас. Муаллиф «Сигнал ўзгарткичлар ва масофага узатиш системалари» бўлимида узлуксиз сигналларни узлуксиз сигналларга ўзгартиришга кам эътибор берган. Ваҳолонки, келажакда саноатда саноқли асбобларни қўллашга катта аҳамият берилмоқда. Шунга ўхшаш, микропроцессорлар ва ЭҲМлардан автоматлаштирилган назорат системасида фойдаланиш материаллари кенг ёритилмаган. Сўзларнинг муқобил ўзбек атамаси ишлатилмаган. Шулар билан бир қаторда китобда матбаа хатоларини ҳам учратиш мумкин. Самарқанд шаҳар М. Морозов номидаги босмахона ўз иш жараёнларида китобнинг сифатига кам эътибор бериши оқибатида бир неча ўн йилларга мўлжалланган, талаба-ўқувчилар фойдаланадиган дарсликнинг варақлари сочилиб кетмоқда. Муқова сифатсиз, юпқа қоғоздан ясалган. Бу эса бир неча йиллар давомида яратилган халқимизнинг маънавий бойлигига эътиборсизлик демакдир.

Дарслик олий ўқув юртларининг «Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш», «Саноат иссиқлик энергетикаси», «Иссиқлик электр станциялари», «Иссиқлик электр станцияларида сув ва ёқилғи технологияси» талабалари учун мўлжалланган.

Х. МАНСУРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат техника доирилфунуни ректорати, фалсафа таҳсилгоҳи жамоаси кекса ўқитувчи, меҳнат ветерани, доцент

Ҳимат ОМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси ўқув бўлими бошлиғи М. С. Алимовга онаси

Қутпи АЛИМОВАнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекбирлашув Бошқарув ҳайъати, Бошқарувнинг катта ҳисобчиси М. С. Аъзамовага онаси

Шаҳзода ал ВАЛИ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси, француз тили фонетика кафедраси доценти Е. Мўминовга онаси

Бибн Ойша ҲАКИМ ҳожи қизининг

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:


Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан нашриёт — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррирлар: АҲМАДАЛИЕВ.Р. РЎЗИЕВ. А.



БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083. Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.45. Г—512. № 239. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.